Инв. № 10
Гос. книжн. п. УзССР
23 ИЮЛ 1982 ОПИСАНО

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

23 ИЮЛЬ, 1982 ИИЛ, ЖУМА
№ 168 (2.574).
Баҳоси 3 тийин.

УЙ-РЎЗҒОР МОЛЛАРИ

Совет халқининг фаровонлигини янада ўстириш юзасидан КПСС XXVI съезди қабул қилган кенг социал-иқтисодий программада аҳолини маданий-маиший моллар ва рўзғор буюмлари билан таъминлаш масалаларига катта ўрин берилган. Ўн биринчи беш йилликда бу молларни ишлаб чиқаришни камида 1,4 баравар кўпайтириш ва айни вақтда уларнинг сифати ҳамда хилларини яхшилаш кўзда тутилади. Беш йилликнинг биринчи йилидаёқ ҳар бир оила ҳисобига 580 сўмлик маданий-маиший моллар ишлаб чиқарилди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолиси ихтиёрида 75 миллиондан кўпроқ телевизор, кўп миқдорда кир ювиш машиналари, пилесослар, бошқа асбоб ва мосламалар бор.

Оила ва рўзғор учун техника асбоблари тобора кўп тайёрланмоқда. Кўплаб талаб этилган энг яхши моллар ишлаб чиқариш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ конкурсининг якунларига қараганда, истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш ўсиши билан бир қаторда уларнинг хиллари кўпайтирилаётганлиги, сифати яхшиланаётганлиги кўринмоқда. Свердлов шаҳрининг «Малютка» кир ювиш машинаси, Москвадаги «Микромашина» заводининг буюмлари, Минск холодильниклари харидорларга жуда манзур бўлди. Литвада кенг истеъмол молларининг бешдан бир қисми Давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

Аммо рўзғор учун керакли баъзи молларнинг сифати тўғрисидаги проблема аввалдагидек ҳозирда ҳам кун тартибида турибди. «Правда»нинг газетхонлар почтасида телевизорлар, магнитофонлар, бошқа маиший хизмат аппаратлари ва механизмларига нисбатан ҳар хил талаблар, эътирозлар билдирилган мактублар оз эмас. Ишдан чиқиб қолаётган қимматли техника ремонт вақтида, сифати паст эканлиги ҳақидаги ҳужжат расмийлаштирилиб шу молни заводга қайтариб юбориш чоғида кўп ташвиш туғилади. Тайёрловчи корхона харидорларнинг эътирозларини одатда материал етказиб берадиган ва узелларни комплектлаштирадиган ташкилотларга юборади. Аслини олганда бутун гап ана шунда, маҳсулот етказиб беришдаги интизом, шерикларнинг виждонан иш кўриши ишлаб чиқариш меъёрини ҳам, маҳсулотнинг сифатини ҳам кўп жиҳатдан белгилаб беради. Шу билан бирга уй-рўзғор асбоблари тайёрловчиларнинг ўзлари ҳам ўз буюмларининг қадр-қиммати тўғрисида ғамхўрлик қила оладилар ва ғамхўрлик қилишлари керак.

Ҳозирги беш йилликда молларнинг кўп турларини унификациялаш проблемасини ҳал этиш керак. Бу проблема ҳозирча кескин бўлиб турибди. «Ўз» дазмоллари, радиоприёмникларини ва шу сингариларни ишлаб чиқаришга интилаётган хўжалик ходимларининг ишлари таҳқиддан ҳам тубандир. Саноатнинг турли тармоқлари савдо ташкилотларига холодильниклар нинг 54 моделини, пилесосларнинг 24, электр устараларнинг 30 хилини етказиб бермоқда. Айни бир хил ишга мўлжалланган, лекин хилма-хил конструкциялар асосида ишлаб чиқарилган бундай моллар марказлаштирилган ремонт базасини вужудга келтириш имконини бермайди, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни қимматлаштиради. Уларнинг ремонти кўпинча кечикиб қолади. Бу ҳол кишиларнинг ҳаққоний таъналарига сабаб бўлади. Рўзғор асбобларининг унификациялаштирилган турларини тайёрлашга ўтиш ишлаб чиқаришни қайтадан қуришни, уни ихтисослаштиришни талаб этади, албатта. Аммо бунинг учун қилинган ҳаражатлар қопланади. Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший приборлар машинасозлик министрлиги бир хилдаги рўзғор буюмлари моделларининг сонини кескин равишда қисқартириши, айни вақтда, уларнинг ғоят пишиқ бўлиб, ишлатишга қулай бўлишига эришмоғи керак. Рўзғор электр моллариги комплекс стандартлаш юзасидан яқинда тасдиқланган программа бу ишга ёрдам беради.

Ишчилар у ёки бу приборни ишлаб чиқаришга киришганларида кўпинча бозор бундай маҳсулотни қанча талаб этаётганлиги, истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари қандай эканлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлмайдилар. Тармоқларнинг бу соҳадаги ишлари мувофиқлаштириб олиб борилмаётганлиги натижасида ҳеч асос бўлмагани ҳолда нусха кўчириш, материал ва ҳом ашёдан самарасиз фойдаланиш ҳоллари рўй бермоқда. Воронеждаги «Электротехника» бирлашмаси микрокалькуляторлар тайёрлаб бера бошлади. Сотувда бу моллар ошиб-тошиб ётганлиги сабабли савдо ташкилотларининг шу хусусда берадиган буюртмапари камайиб қолди. Бошқа баъзи молларга нисбатан ҳам худди шундай ҳол рўй берди. Талаб-эҳтиёжни ва савдо-сотиқ конъюнктурасини ўрганиш хизмати маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга тўғрироқ йўл кўрсатиши, уларнинг тўғри мўлжал олиб ишлашларига ёрдам бериши керак.

Рўзғоримизда мураккаб техникани қўлланиш-қувончлидир. Аммо бу ҳол ҳар қандай аппаратлар ва қурилмаларга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни тиклаш билан боғланган мураккаб бир проблемани ҳам ўртага қўйди. Очиқ айтиш керакки, савдони маиший хизмат электр механизмлари билан таъминлаш суръатлари ремонт базаси имкониятларининг ўсишидан кўпданоқ ўзиб кетди. Буни нормал ҳол деб ҳисоблаш мумкин эмас. Аввало гарантияланган хизмат кўрсатиш учун керакли деталлар запасини кўпайтириш, устахоналарни ўлчов приборлари билан яхшироқ таъминлаш талаб этилади. Рўзғор асбобларини бракка чиқариш тартибини ихчамлаштириш керак.

Кўп талаб этиладиган молларни ишлаб чиқарувчи корхоналар бу соҳада анча иш қила оладилар. Масалан Электрон саноати министрлигида заводлар ҳузурида гарантияланган хизмат кўрсатиш ва рўзғор аппаратларини ремонт қилиш учун ихтисослаштирилган устахоналарни вужудга келтириш, улар негизида техникавий хизмат марказларини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бу бўлинмалар маиший хизмат идораларининг ремонт соҳасида илғор технологияни жорий этишларига, ўз маҳсулотларини янада такомиллаштириш мақсадида буюмларнинг қандай нуқсонлари борлиги тўғрисида ахборот тўплашларига ёрдам беради. Баъзи корхоналарда шу соҳада тўпланган тажриба эътиборга сазовордир. Ҳар бир тармоқ бўйича хизмат кўрсатиш яхши натижа беради, чунки у кишиларнинг талаб-эҳтиёжларини яхшироқ қондиришни кўзда тутади. Ишга шу хилда ёндашишни бошқа тармоқларда ҳам кенг жорий этиш лозим.

Хизмат муддатини ўтаган ва тиклаб бўлмайдиган мураккаб рўзғор аппаратларидан омилкорлик билан фойдаланишни ҳам йўлга қўйиш зарур. Шу пайтгача бу аппаратларнинг бир қисмигина қабул пунктларига юборилмоқда, приборларнинг кўпчилиги эса темир-терсакка топширилади. Бундай практика тежамли хўжалик юритиш нормаларига хилофдир. Бунда гап нодир материалларнинг йирик резерви тўғрисида боряпти. Бу резервни ишга солиш керак.

Партия ташкилотлари хилма-хил маданий-маиший моллар ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилишлари керак. Ҳозирги пайтда йилнинг ярми якунларига қараб маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг боришини чуқур таҳлил этиб, бу ишни ҳар томонлама яхшилаш учун конкрет тадбирлар белгилаб, уларни қунт билан амалга ошириш лозим. Партия комитетлари пишиқ, чидамли буюмлар ишлаб чиқариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, кадрларнинг жавобгарлигини оширишлари, сифатсиз маҳсулот чиқарганларга ва, маҳсулот етказиб бериш ва уни ремонт қилишдаги ҳар қандай узилиш учун раҳбарлар ва мутахассислар олдига қаттиқ талаб қўйишлари лозим.

Кўп талаб этиладиган молларни ишлаб чиқариш билан, рўзғор асбобларини ремонт қилиш билан боғлиқ бўлган ҳамма кишиларнинг иши муҳим ва масъулиятлидир. Дарҳақиқат, миллионларча кишиларнинг кайфияти, халқ фаровонлигини янада юксалтириш кўп жиҳатдан уларга боғлиқдир.

(«ПРАВДА»нинг 21 июлдаги бош мақоласи).

Шу куннинг қаҳрамонлари

ЯЙЛОВ ШУНҚОРИ

Ҳар бир касбнинг ўзига хос машаққати, масъулияти бор. Чўпонлик ҳам кишидан ғайрат-шижоат талаб қилади. У йил — ўн икки ой давомида бир зум ҳам тиним билмай яшайди: қор-бўронли кунларда ҳам, жазирама иссиғ-у, ёғин-сочинли дамларда ҳам ўз постида— яйловлар бағрида бўлади. Тун-у кун сурувлар кетидан юриб, ҳалол меҳнати билан эл-юрт фаровонлиги йўлида захмат чекади.

Раҳмат Норбўтаевнинг умр йўли ҳам бошқаларга ибрат бўлгулик. У 37 йилдан буён Қўзисейир адирларида қўй-қузилар боқади. Ўтган давр мобайнида отарлар сони бир неча баробар оширилиб, давлатга мўл-кўл чорва маҳсулотлари етказиб берилди. Камтарона меҳнати эвазига Халқлар дўстлиги, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси», «Октябрь революцияси» орденлари ва бир неча марта Социалистик мусобақа ғолиби нишони билан мукофотланди.

Раҳмат ака Норбўтаев Ғузор давлат наслчилик заводнинг бош чўпони бўлиб ишлайди. Бу касб унга бобо мерос. Ўғли Зиёдулла ҳам ота изидан бориб, унга ёрдамчи чўпонлик қиляпти.

Тажрибали чорвадор бу йил 500 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 210 тадан қўзи олишга эришиб, 500 бош қўзини ўстиришга қолдирди. Шу кеча-кундузда иккинчи жун қирқимини муваффақиятли ўтказиш билан бирга, қишловга ҳам пухта тараддуд кўрмоқда.

И. ЭРГАШЕВ.

Сиз рассом Маҳмуд Жўраев чизган расмда илғор чорвадор Р. Норбўтаевни кўриб турибсиз.

ТОШКЕНТЛИК ДЕҲҚОНЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА

Қарши районидаги «Ленинизм» совхозидан Б. Примқулов бригадаси тошкентлик пахтакорлар тажрибасини қўлланиш туфайли экинларни жадал ривожлантиришга эришдилар. Бу ерда «оқ олтин»дан 60 центнерлик ҳосил олиш учун замин яратилди.

Бригада рекорд ҳосил учун курашни деҳқончилик маданиятини оширишдан бошлади. Чигит илгари беда етиштирилган майдонларга экилди. Майдонларга ингичка толали пахтанинг «АШ-25» ва ўртача толали пахтанинг «Тошкент-6» янги нав чигити қадалди. Деҳқонлар ғўзалар оралиғининг энг мақбул эничлигини сақлаган ҳолда жадал агротехникани қўллай бошладилар. Экинларга етти марта культиватор билан ишлов бердилар ва икки марта шарват усулида сугордилар. Ишларнинг ҳар бир туркуми давомида механизаторлар ва сувчилар меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бир ярим-икки кун тежалди.

Бригадада пахта теримини барвақт бошлаш мўлжалланмоқда. Ҳосилнинг 95 процентини машиналарда териб олишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ мухбири).



ЧЕКАНКА ҚИЗГИН

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида астойдил меҳнат қилаётган Поп районидаги «Тошкент» совхозининг Робилжон Одилов бошлиқ звено пахтакорлари чеканка мўл ҳосил гарови эканлигини яхши билишади. Шу сабабли ҳам звенода табақалаб чеканка қилишга киришилди. Бу муҳим агротехник тадбирни тез ва сифатли ўтказишда Салима Абдураҳмонова, Ўнтамой Толипова, Гулбаҳор Рўзиқулова лари илғорлар намуна бўлмоқдалар. Тадбиркор деҳқонлар 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилишган.

Р. ҚУРБОНОВ.

Ҳар бир фурсатдан оқилона фойдаланаётган Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз пахтакорлари ғўза чеканкасини тез ва сифатли ўтказмоқдалар. Бу тадбир айниқса хўжаликнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кан О Нам бошчилик қилаётган бригадасида яхши йўлга қўйилган. Аҳил коллектив юбилей йилида 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан хирмон кўтариш учун курашмоқда.

Суратда: бригада даласида ғўзаларни чеканка қилиш пайти тасвирланган.

А. Абалян фотоси.

ЛИВАНДАГИ БОСҚИНЧИЛИК ТЎХТАТИЛСИН!

Ливанда Исроил агрессорлари бошлаган қонли босқинчиликка қарши норозилик тўлқинлари Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида кенгайиб бормоқда. Кўп кишилик митингларинг қатнашчилари босиб олинган ерлардан оккупантларнинг дарҳол чиқиб кетишларини талаб қилмоқдалар.

21 июль куни Ильич номли «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги тажриба-механика заводида бўлиб ўтган митингда мастер А. Ҳабибуллаев сўзга чиқиб бундай деди:

— Тель-Авив йўллаган қотиллар Ливан диёрида ажал ва вайронгарчилик уруғини сочишни давом эттирмоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежнев Америка президентига қилган мурожаатида айтганидек, бугунги кунда ер юзида биронта ҳам софдил киши Байрутда ҳалок бўлаётган одамларнинг тақдирига бефарқ қараб тура олмайди. Шу боисдан биз Ливан пойтахти қамали дарҳол бекор этилишини, босиб олинган территориялардан агрессор қўшинларининг сўзсиз олиб чиқиб кетилишини талаб қиламиз.

* * *

Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводида бўлиб ўтган кўп кишилик митингда Исроилнинг Ливандаги ваҳшиёна агрессиясига қарши қаҳр-ғазаб сўзлари янгради. Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, меҳнат ветерани М. Раковский митингда сўзга чиқиб, сионистик шайкаларнинг Фаластин ва Ливан ватанпарварларини ёвузларча жазолаётганликларини бутун коллектив номидан қораларди. Цех бошлиғининг ўринбосари Л. И. Бершадский, механик Г. Аванесова ва бошқалар сўзга чиқиб, ҳалдиндан ошган агрессорни жиловлаб қўйиш тўғрисидаги талабни қўллаб-қувватладилар. Улар тинчликсевар халқларни ана шу мудҳиш жиноят ташкилотчиларини жавобгарликка тортишга даъват этдилар.

* * *

Экскаватор машинисти, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери А. Умаров Ангрен кўмир разрезида бўлиб ўтган норозилик митингида бундай деди:

— Исроил Ливан диёрида Америка мадади билан амалга ошираётган ёвуз ҳаракатлар ҳалқаро вазиятни ғоят кескинлаштириб юборди.

Митинг қатнашчилари суверен давлатни Американинг энг янги қурол-яроғлари синаладиган майдонга айлантириб юборган исроиллик қотилларнинг ваҳшийликлари ҳақида ғазаб ва нафрат билан гапирдилар. Митинг қатнашчилари қабул қилган резолюцияда Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Америка президентига қилган мурожаатини якдиллик билан маъқуллядилар. Бу мурожаатда барча совет кишиларининг миллион-миллион фаластинлиқ ва ливанликлар тақдири учун чуқур ташвишланаётганликлари изоҳ этилган.

* * *

Тошкентдаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг электроника институтида, «Ташкинрогор» лойиҳалаш институтида ва Ўзбекистондаги бошқа муассасаларда ҳам Исроилнинг Ливандаги агрессиясига қарши норозилик митинглари бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Советининг 21 июль куни бўлиб ўтган мажлисида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда СССР Давлат бюджетининг 1982 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисидаги, шунингдек 1982—1983 йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Мана шу масалаларни муҳокама қилишда СССР Министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг раислари, СССР ҳукуматининг бошқа аъзолари иштирок этдилар.

План ва бюджетнинг бажарилиш якунларини кўриб чиқиш чоғида шу нарса қайд этилдики, мазкур давр ичида партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш асосида ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун меҳнаткашларнинг социалистик мусобақаси авж олиб кетганлиги туфайли мамлакат экономикасини янада ривожлантириш ва совет халқининг фаровонлигини ошириш таъминланди.

Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 процентни ташкил этди, саноат маҳсулотини реализация қилиш плани 101 процент бажарилди.

Қишлоқ хўжалигида моддий техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилди. Колхоз ва совхозларда ем-хашак тайёрлаш ҳамда қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш борасида қизғин ишлар олиб борилмоқда; мамлакатнинг бир қанча районлари донли экинларни ўриб-йиғиб олишга киришди.

Социал ривожлантириш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан КПСС XXVI съезди қабул қилган программа бажарилмоқда. Ярим йил ичида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2,7 процент ошди, колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ 4 процент, аҳолига кўрсатилган маиший хизмат ҳажми 5,1 процент кўпайди; давлат капитал маблағлари ҳисобидан жами саҳни 26,2 миллион квадрат метр уй-жойлар қурилди; кўпгина умумий таълим мактаблари, ҳунар техника билим юртлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, касалхоналар ва поликлиникалар ишга туширилди.

1982 йилнинг биринчи ярмида СССРнинг Давлат бюджети даромадлар бўйича 102,5 процент ва ҳаражатлар бўйича 94,7 процент бажарилди.

Шу билан бирга СССРнинг айрим министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ўзларига бўйсунувчи бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга раҳбарлик қилишдаги каттагина камчиликлар сабабли план топшириқларини бажаришда жиддий қолоқликка йўл қўйдилар. Натура ҳолидаги саноат маҳсулотининг бир қанча энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва маҳсулот таннархини камайтириш топшириқлари тўлиқ бажарилмади. Темир йўлларда юкларни ташиш борасидаги ишларнинг аҳволи яхшилангани йўқ.

СССР Министрлар Совети СССР министрлари, идораларнинг раҳбарлари ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига планнинг бажарилиш якунларини пухта анализ қилиш асосида ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини анча ошириш, шу йилнинг иккинчи ярмида биринчи ярим йилликда натура ҳолида етказиб беришга қолган саноат маҳсулотининг ўрни сўзсиз тўлдирилишини таъминлаш, 1982 йилги план ҳамда меҳнаткашларнинг коллективлари қабул қилган социалистик мажбуриятлар тўла ва ошириб бажарилишини таъминлаш юзасидан тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш мажбуриятини юклади. Ёқилғи-энергетика, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар қаттиқ тежалиши ҳамда уларни оқилона фойдаланишга риоя этилиши устидан қаттиқ контроллик ўрнатиш таклиф этилди. Куч ва маблағларни биринчи даражали давлат аҳамиятига молик объектларга жамлаш ҳамда ана шу объектларни белгиланган муддатларда ишга туширишнинг муҳимлиги таъкидланди.

СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган докладида баён этилган таклифлар ва кўрсатмаларни амалга ошириш, СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажариш борасидаги ташкилотчилик ишларини янада кучайтириш зарурлигига алоҳида эътиборни жалб қилди, токи шу йилнинг ўзидаёқ деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулдорлигини оширишга, дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш давлат планларини тўла ва ошириб бажарилиши, бу маҳсулотлар ўз вақтида қайта ишланиши ва тўла сақлаб қолиниши таъминланишига эришилсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Тайёрлаш министрлиги, СССР Ўрмон хўжалиги давлат комитети ва СССР «Госкомсельхозтехника»си, маҳаллий совет ҳамда қишлоқ хўжалик органлари ем-хашак тайёрлаш суръатларини кучайтириш, бўлажак чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун барча хўжаликларда ем-хашак запасларини вужудга келтириш юзасидан қўшимча чораларни кўришлари шарт.

СССРнинг тегишли министрликлари, идораларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига қишлоқ хўжалиги ҳамда агросаноат комплексининг бошқа тармоқлари учун ажратилган машиналар, асбоб-ускуналар ва материалларни ўз вақтида етказиб беришни таъминлаш, 1982 йилги ҳосилни ўриб-йиғиб олишга, уни қабул қилиш, асраш ва қайта ишлашга ҳозирлик кўришни ғоят қисқа муддатларда тугаллаш, янги ҳосил ўрим-йиғимини ўз вақтида ва нобудгарчиликсиз ўтказиш таклиф этилди.

Истеъмолчиларда ёқилғи запасларини вужудга келтириш ва 1982/83 йилнинг кузги-қишки даврида халқ хўжалиги ва аҳолини ёқилғи билан барқарор таъминлаш, шунингдек, иншоатлари ҳом ашёдан фойдаланишни яхшилаш, материаллар ҳамда асбоб-ускуналарнинг нормативдан ташқари ва ортиқча запасларини хўжалик оборотига жалб этиш масалалари юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

СССР Министрлар Советининг мажлисида шу нарса қайд этиб ўтилдики, СССРнинг бир қанча министрликлари, идораларида ва баъзи иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларида халқ истеъмол молларини қўшимча равишда ишлаб чиқариш имкониятларини кидириб топиш ва амалга ошириш, молларнинг хилларини янгилаш ва кенгайтириш ҳамда уларнинг сифатини ошириш, молларни ишлаб чиқариш учун ички резервлардан, хом ашё ва материалларнинг маҳаллий манбаларидан янада кенгроқ фойдаланиш борасидаги ишлар сусайтириб юборилган.

СССР Министрлар Совети СССР министрликлари, идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига 1982 йилда белгиланган топшириқларга мувофиқ моллар ишлаб чиқарилишини таъминлаш, 1983 йилда моллар ишлаб чиқаришнинг юксак суръатларига эришиш, уларнинг сифатини ва биринчи навбатда ғоят харидгир молларнинг сифатини анча яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш вазифасини юклади.

СССР Министрлар Советининг мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгих иштирок этдилар.

Мажлис охирида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов нутқ сўзлади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Планлар ва социалистик мажбуриятларни бажаришда юксак кўрсаткичларга эришганликлари, ижтимоий ҳаётда актив қатнашганликлари учун ҳамда савдо ходимлари кўни муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қуйидагиларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими»** фахрий унвони берди:

Абдуллаев Файзулло —Қашқадарё область Косон шаҳар савдо бўлими директори.

Одилов Акбар Одилович—Сирдарё область матлубот союзи раисининг ўринбосари.

Елевбеков Зинатбек — Навоий область Конимех район матлубот жамияти бош бухгалтери.

Ислямова Сидиқа —Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг бўлим мудири.

Исмоилов Исроилжон —Наманган шаҳар промторгининг 59-магазини мудири.

Кеулимжаева Ўлмаш —Қорақалпоғистон АССР, «Тахиатош гидроэнергострой» қурилиш бошқармаси ишчилар таъминоти бўлимининг «Радость» магазини катта сотувчиси.

Сафаров Зокир Содиқович —Центросоюз меҳнатни бошқариш, илмий ташкил этиш ва рационализация марказий институти Ўзбекистон марказининг директори.

Сандинёзов Машарип —Хоразм область матлубот союзи Урганч улгуржи савдо базасининг молшуноси.

Толипов Истамжон Тоирович —Самарқанд область матлубот союзи «Обирақмат» хўжалик ҳисобидаги умумий овқатланиш бирлашмасининг директори.

Тўйчибоев Баҳодир —Фарғона область, Қўқон умумий овқатланиш трести директори.

Туркменов Эшим —Жиззах область матлубот союзи Фориш районидаги Карл Маркс номли ишчилар кооперативи правлениесининг раиси.

Уразимбетова Гулзира— Қорақалпоғистон АССР, Нукус шаҳар озиқ-овқат савдо бўлими магазинининг мудири.

Ҳакимова Раҳима Муҳитдиновна — Тошкент область, Янгийўл умумий овқатланиш трести 8-ошхонасининг бош ошпази.

Худоев Султон —Бухоро область, Олот район матлубот жамияти тайёрлаш идорасининг тайёрловчиси.

Шарипов Ҳабибулла Раҳматович —Тошкент шаҳар текстильшвейторг директори.

Республика давлат ва кооператив савдоси социалистик мусобақа илғорларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Маълумки, партия Марказий Комитетининг май Пленуми биз, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари мутахассислари, раҳбарлари олдига жуда катта, масъулиятли, шарафли, айни пайтда чинакамига фидокорлик, ташаббускорлик кўрсатишни талаб қиладиган вазифаларни қўйди. Шу кунларда бўлимимизда, ҳар битта бригадада Озиқ-овқат программасини тўла амалга оширишнинг конкрет тадбирларини ишлаб чиқяпмиз.

Областимизда сабзавот ва мевачилик жадал ривожланмоқда. Кейинги йилларда бир қатор ихтисослашган сабзавотчилик, мевачилик, узумчилик хўжаликлари ташкил топди. Бизнинг совхоз ҳам ана шундай сабзаводкор хўжаликлардан бири. Совхозимизда маҳсулот етиштириш ва давлатга сотиш ҳажми сезиларли даражада, муттасил ошиб бормоқда.

Бўлимимиз сабзавоткорларининг бу йилги мақсадлари жуда катта. 370 гектар майдонда деҳқончилик қилямиз. Давлатга 10 минг тонна сифатли маҳсулот топшириш мажбуриятини олганмиз. Бироқ асосийси мана шу мақсадга эришишда. Мажбурият шароитдан, имкониятдан, ҳаракат ва омилкорликдан, мақсад сари қатъият билан интилишдан келиб чиқадиган яхши ҳулоса. Агар бажарилмай қолса, у ўз маъносини йўқотади, ваъдабозликдан фарқ қилмай қолади.

Бу йилги баҳор ҳар қачонгидан ҳам мураккаброқ келди. Ҳар кўкламда кўпроқ жала, дўлдан зарар кўрардик, унинг оқибатларини тузатиш йўлларини излардик. Кўпчилик тадбиримиз аввалдан шунга қаратилар эди. Бу йил қурғоқчилик йили бўлди. Тупроқда меъёрдагидек нам бўлмади. Иккинчидан, кутилмаган совуқ бўлди. Учинчидан, шамол тез-тез бўляпти. Мана ҳозирги кунда ҳам шамол тингани йўқ.

Эртаги карам ва помидор кўчатларини март ойининг биринчи ўн кунлигидаёқ очиқ далага экдик. Апрель ойида юз берган совуқ гўллаб, мевага кира бошлаган помидор кўчатларини уриб кетди. Бўлимимизнинг 80 процент майдонидаги кўчатни совуқ олди. Зудлик билан қайта кўчат экдик. Парваришни ҳар қачонгидан ҳам авж олдирдик юбордик.

Табиий офат ишимизни анча мураккаблаштириб юборди. Эртаги сабзавот маҳсулотларини аҳолига мумкин қадар тезроқ етказиб беришдек ниятимиз бор эди. Шу хавф остида қолдик. Бу хавфни бартараф этиш керак эди. Бусиз мумкин эмас. Демак, парваришда туб бурилиш қилиш керак. Ҳар йили шу вақтгача 2 марта комплекс ишлов берилса, энди 4 марта, комплекс ишлов бериш керак. Лекин бунинг яна бир томони бор: ўсимлик берилган озуқани тўла ҳазм қилиб олмасдан туриб, яна озиқлантиришнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ. Суғорилган кўчатни чанқамасдан қайта суғориш ярамайди. Бундан кўра, парвариш циклини тезлаштириш ва тупроқни қиздириш керак. Токи экинларимиз озуқани ҳазм қилиш муддатини қисқартирсин. Шунга эришишимиз керакки, экиннинг ўзи қопиқ, культивация, озиқлантириш, суғоришни тез-тез талаб қилсин. Шундагина комплекс ишлов беришни одатдагидан икки баравар кўп ўтказиш имконияти вужудга келади ва бу парваришнинг фойдаси бўлади. Натижада парвариш муддатини қисқартириш эвазига эртаги сабзавот маҳсулотларини аҳолига мўлжалдаги вақтда етказиб беришимиз мумкин. Сабзаводкорларимиз шунга эришдилар. Ҳозиргача қабул пунктларига 850 тонна эртаги карам етказиб бердик. Ҳосилдорлик гектар бошига 280 центнерданни ташкил этди.

Сувни эгатларда 18—20 соатдан оқизяпмиз. Бу билан пушта захлаб кетишининг олдини олямиз. Пуштанинг захлаб кетиши ҳосилнинг чиришига, майдонларни бегона ўт босиб кетишига олиб келади. Ҳар иккаласи ҳам маҳсулотнинг сифатига, самарадорлигига салбий таъсир қилади.

Ҳар сувдан кейин албатта кетмон чопиғи ўтказямиз. Ундан 3—4 кун ўтказиб, культивация қилямиз. Бу тупроқда ҳароратнинг кучайишига олиб келяпти, ўсимлик ривожини тезлаштиряпти. Сабзавот экинларини парвариш қилишда механизациянинг роли ошиб кетган. Ҳамма гап механизациядан омилкорлик билан фойдаланишда. Шунинг учун ҳам механизаторларнинг сифат составини йил бошидаёқ кўриб чиқдик. Уларни имтиҳон-кўрикдан ўтказдик ва энг маҳоратли механизаторларни парваришга жалб этдик. Эндиликда Маҳмуджон Мирзаев, Қўзибой Тешабоев, Жаббор Раҳмонов каби механизаторлар ишончимизни тўла оқлашяпти.

Бугунги кунда дадил айта оламизки, йилнинг қуруқ келиши ҳам, кетма-кет юз берган табиий офат ҳам мақсад сари интилишимизни сусайтиргани йўқ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленумида ўртоқ Ш. Р. Рашидов: «Мева-сабзавот маҳсулоти тайёрлаш, асраш ва қайта ишлаш системасини такомиллаштириш жуда муҳим вазифадир. Аҳолини сабзавот ва мева билан йил бўйи узлуксиз таъминлаб туришни йўлга қўйиш, нобудгарчиликнинг олдини олиш, мева-сабзавот билан савдо қилишни яхшилаш юзасидан қатъий чоралар кўриш керак», — деган айнан биз сабзаводкорларнинг дилидаги гапни айтди.

Дарҳақиқат, сабзавотчиликнинг айнан шу кунларда ечилиши, ҳал этилиши керак бўлган муаммолари анчагина. Мана биттаси: бўлимимиздаги айрим илғор бригадаларда помидордан 500—600 центнердан ҳосил олинаётган бир пайтда баъзи коллективларда гектар бошига ҳосилдорлик 250 центнердан ошмаяпти. Нима учун? Бунинг асосий сабабларини қаердан излаш керак?

Мен ундоқ қилиш керак, бундоқ қилиш керак, деб ваъзхонлик қилиб ўтирмайда, бўлимимиздаги 10-бригадада шу соҳада олиб борилаётган конкрет ишлар хусусида тўхталиб қўя қолай. Шунда бир бригадада гектаридан 250 центнер помидор олинишининг ҳам, иккинчисида 600 центнердан олинишининг ҳам фарқи аён бўлади.

Бу бригадада сабзавотчиликни механизациялаш кенг жорий этиляпти. Ўтган йили эртаги карам ва помидор кўчатлари очиқ майдонларга СКН-6А агрегати ёрдамида экилди. Чопиқ тракторига осиб ишлатиладиган бу агрегатнинг афзаллиги шундаки, у ишлаётганида олдиндан тайёрлаб қўйилган эгатларда бир йўла уя кавлайди, уяга сув қуяди, кўчатни бир текисда экиб кетади. Шунинг билан бирга экилган кўчат ораларига биринчи ишлов ҳам беради. Шу туфайли ҳар гектар ер ҳисобига 14 ишчи кучи тежалди, экишга кетадиган маблағ гектар бошига 120 сўмдан кам сарфланди.

Бу бригадада бир неча йил давомида помидорнинг 40 дан зиёд серҳосил, эртапишар навлари синаб кўрилди. Масалан, 20 хил Америка нави, 13 хил Нидерландия навн, 7 хил Италия навидан ҳосил олинди. Янги навларни синаш билан бирга экиш схемаси ҳам ўзгартирилиб кўрилди. Аввалларн кўчат асосан 70Х70 схемасида квадрат уялаб экиларди. Унда гектарига 43,5 минг туп кўчат жойлашарди. Ўтган йили 100Х40 схемаси қўлланилди. Бунда гектарига 60 минг туп кўчат жойлашди.

Хўш, коллектив сабзаводкорларининг мана шу изланишлари қандай самара берди? Аввалларн гектаридан 300—350 центнердан помидор ҳосили олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 600 центнерга етди. Бошқача айтганда бригадада ҳар гектар ердан пландагн 2485 сўм ўрнига 6500—7000 сўмдан даромад олинди. Мана сизга яхлит хулоса ва натижа.

Сабзаводчиликнинг бизга боғлиқ бўлмаган муаммолари ҳам бор. Биз қишин-ёзин ҳаракат қилиб, эл-юрт дастурхонини файзли қилайлик, деган умидда меҳнат қиламиз. Иўқдан бор қилиб, ҳосил яратамиз. Аммо мана шу ҳосилни қабул пунктларига етказишда жуда кўп қийинчиликларга дуч келямиз. Сабзавот маҳсулотларини ташувчи, махсус транспортлар жуда кам. Терилган помидорларни ёғоч яшчиклараго солиб, уларни прицеп ёки машиналарга юклаймиз.

Мана шундан кейинги томошаларни кўринг. Ёғоч яшчиклар бир-икки қабул пунктларига бориб келгандан кейин ремонт талаб бўлиб қолади. Уни ремонт қилиш учун қанча куч, қанча маблағ, қанча вақт сарф бўлади. Масалан, ўтган йили 10-бригадада етиштирилган маҳсулотни ташиш учун 13 минг яшчик ишлатилди. Улар мавсумда 3—4 мартадан ремонт қилинди. Бригадада яшчик ремонти учунгина 15 минг сўм маблағ сарфланди. Бу бяттта бригададаги аҳвол. Агар бу рақамни совхоз, район, область, республика миқёсида олиб қаралса-чи. Тасаввур қилиш қийин эмас. Ёғоч яшчиклар ўрнига пластмасса яшчиклар ишлаб чиқариш вақти келмадимикан? Ёки сабзавот маҳсулотлари ташийдиган махсус транспортларни кўпайтириш вақти етмадимикан?

Маълумки, областимизда сабзавот, айниқса, помидор маҳсулотлари етиштириш йил сайин ортиб боряпти. Бироқ етиштирилган ҳосил қабул пунктлари дарвозасида 15—20 соатлаб навбат кутиб туриб қолади. Натижада маҳсулот сифати бузиляпти. Бу масалага чуқурроқ, жиддийроқ ёндашмоқ керак. Ана шу қабул пунктн эшигида навбат кутиб турадиган турнақатор машина ва прицепларда мингминглаб сабзаводкорларнинг йил бўйи қилган меҳнати жамланиб турибди. Озиқ-жамланиб турибди. Бундай манзарани кўплаб қабул пунктлари қаршисида кўриш мумкин. Озиқ-овқат программасида шундай сатрлар бор: «Ҳаво транспортида — янги узилган сабзавот ва ҳўл меванн ташишни, биринчи навбатда Сибирь ва Узоқ Шимолнинг олис районларига ташиш ҳажмини ошириш таъминлансин». Партиямиз олдимизга мана шундай вазифани қўйяпти. Олис районларда яшаётган аҳоли дастурхонига сабзавот маҳсулотларини тез, мўл, сифатли ,янгилигича етказиб бериш вазифасини қўймоқда.

Биз бутун куч ва ғайратимизни, билим ва тажрибамизни имкони борича кўпроқ сабзавот маҳсулотлари етиштиришга сарфлаймиз. Бу йўлда тинмай изланамиз. Агар ҳаракат мақсадга яраша бўлса, ҳар қандай марра, шубҳасиз, эгалланади. Биз ҳамма вақт зиммамиздаги юксак мажбуриятларни ортиғи билан бажаришга ҳаракат қиламиз.

У. ҚУРБОНОВ,
Андижон районидаги Охунбобоев номли совхознинг бўлим бошқарувчиси.

Эл дастурхонини тўкин-сочин қилишда Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз сабзаводкорларининг ҳам муносиб улуши бор. Улар шу кеча-кундузда сабзавот маҳсулотлари ҳамда картошка йиғиштириб олишни жадал усулда ўтказмоқдалар. Бу борада колхоз меҳнаткашларига Тошкент кооператив техникумн талабалари яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Суратларда: 1. Колхознинг пешқадам бригада бошлиғи Тожибой Икромов янги кавлаб олинган картошка ҳосилини кўздан кечиряпти. 2. Талабалар ўртасида пешқадамлик қилаётган Шаҳодат Вакилова ва Собира Омоноваларни кўриб турибсиз.

Е. Ботиров фотоси.

ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛАДИ

Пахтаобод районидаги «Москва» колхозининг маккажўхори майдонларига ҳозиргача тракторлар кираолмаяпти. Беш марта комплекс ишлов берилиб, олти марта суғорилганидан кейин бу ерда маккажўхори бўй бериб тез ўсиб кетди.

Хўжаликнинг ёш маккажўхорикорлари бу йил 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнердан дон олишни мўлжалламоқдалар. Ҳозир улар кечаси шарбат суви бериш йўли билан ўсимликларни маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга катта эътибор қилмоқдалар. Сувчилардан Қобилжон Мўминов, Ҳасанбой Каримов, Ваҳобжон Орзиқуловлар фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатиб, суткалик суғориш нормасини бир ярим-икки баравар ошириб адо этмоқдалар.

Бригада деҳқонлари август ойининг ўрталарида ҳосилни ўриб-йиғиб олишга киришишни мўлжалламоқдалар, Шундан кейин далаларга силос бостириш учун такрор маккажўхори экилади.

ДАЛАДАН — ОЗУҚА ЦЕХИГА

Тошлоқ районидаги Горький номли колхозда тайёрланган дағал хашак сира тўхатилмай шундай маршрут бўйича жўнатилади. Комсомол-ёшлар отрядининг ем-хашак тайёрловчилари йўл четларидан, бўш ётган ерлардан ҳар куни уч тоннагача ўт ўриб олмоқдалар. Фермада бу ўтлар қайта ишланиб, дона-дона шаклига келтирилади ва ўт талқони тайёрланади. Хўжалик чорвадорлари қиш мавсуми учун ҳозирдаёқ икки минг тонна табиий ўт ғамлаб қўйдилар. Бу — белгиланганидан бир ярим баравар кўпдир.

Фарғона области хўжаликларида дағал хашак тайёрлашда 158 та комсомол-ёшлар отрядлари ва бригадалари қатнашмоқда.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ ИККИНЧИ КАСБИ

Пахтакор районидаги Ульянов номли совхозда КПСС XXVI съезди делегати Холбуви Рустамова бошлиқ пахтачилик бригадасида деҳқонларнинг дастурхонига ёрдамчи хўжаликда етиштирилган мева, сабзавот, пиёз, укроп, петрушка етказиб берилмоқда. Яқинда пахтакорлар чорвачилик фермасини ҳам ташкил қилдилар. Ҳозирча ферма катта эмас — бу ерда 30 бош қўй ва олти бош сигир боқилмоқда.

Деҳқонлар жониворларни навбатма-навбат боқадилар, ем-хашак тайёрлайдилар, полизларни парвариш қиладилар, сабзавот ва меваларни йиғиштириб оладилар. Ҳар куни икки киши пичан тайёрлайди.

Коллектив фермани келгуси йили кенгайтиришга қарор қилди — қўйлар 100 бошга етказилади, сигирлар эса икки баравар кўпайтирилади.

Х. Рустамовадан ўрнак олиб, совхоздаги яна 15 та пахтачилик коллективи ёрдамчи хўжалик ташкил қилди.

(ЎзТАГ).

Задарё районидаги механизаторлар пахта териш техникасининг гарантия талонларини одатдагидан ярим ой илгари олдилар. «Зангори кемалар» мавсумга юқори сифатли қилиб тайёрлаб қўйилди. Ремонтчилар 426 та пахта теришн машинаси, пахта ортиш, тўкилган пахталарни терниш, кўрак терувчи агрегатлар ва бошқа механизмларнинг ҳаммаси пухта ишлашини гарантиялайдилар.

«ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛДИ

Ремонтнинг ихтисослаштирилганлиги, поток-узел методи жорий этилганлиги, шунингдек районда қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш хўжаликлараро бирлашмаси ташкил этилганлиги ишни жадаллаштириш имконини берди. Ремонт ишларининг бутун комплекси бевосита хўжаликларда бажарилди.

Задарёликлар тажрибаси Наманган областининг хўжаликларида кенг қулоч ёзди. Тўрақўрғон районнинг механизаторлари ҳам терим мавсумига тайёр эканликларини маълум қилдилар.

(ЎзТАГ мухбири)

Норсулув «оқ чашма» булоғини тошириш учун астойдил меҳнат қиляпти. У Пахтачи районидаги Киров номли колхоз сут соғувчилари орасида пешқадам бўлмоқда. Норсулув ҳар сигирдан 4 минг килограммдан сут соғиб олишга ахд қилган. Ярим йиллик мажбуриятни анча ошириб бажарди.

Суратда: ВЛКСМ аъзоси Норсулув Ашурова.

И. Ҳасанов фотоси.

КЎК КОНВЕЙЕР

Бувайда районидаги колхозлараро бўрдоқичилик корхонасининг чорвадорлари траншеяларга дастлабки бир неча юз тонна маккажўхори силоси бостирдилар.

Бу ерда ўрим-йиғимнинг бошиданоқ кўк конвейер аниқ пухта ишлай бошлади. Тажрибали механизатор Турсунали Тўйчиев 200 гектар майдондаги маккажўхорини ўрмоқда. Майдаланган масса унинг агрегатининг бункеридан тележкаларга бўшатилади. Механизаторлардан Исоқжон Охунов ва Ҳошим Йўлдошев бу тележкаларни корхона территориясига элтадилар. Шундан сўнг Хайрулла Исломов бошчилик қилаётган ихтисослаштирилган комсомол-ёшлар звеноси ишга киришади. Ёш ем-хашак тайёрловчилар озуқага илдизмева, ўсимликлар палагини, микроэлементлар қўшиб, массани траншеяларга босадилар ва эҳтиётлик билан уларнинг устини ёпадилар.

Юксак даражада механизациялаштирилган меҳнат ҳар кўни 60 тоннагача ем-хашакни консервалаш имконини беради. Чорвадорлар қиш мавсумига жами 4,5 минг тонна силос ғамлаб қўйишмоқчи. Демак ҳар бир сигирга беш тоннадан тўғри келади.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАНИГА НИМА ЕТСИН

ЕРДАМЧИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИКЛАРИ ТЕГИШЛИ МИНИСТРЛИКЛАР ВА ИДОРАЛАРГА АЖРАТИЛАДИГАН УМУМИЙ КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАР ҲАМДА МОДДИЙ-ТЕХНИКА РЕСУРСЛАР ҲИСОБИГА ТАШКИЛ ЭТИЛСИН ВА РИВОЖЛАНТИРИЛСИН.

(СССРнинг Озиқ-овқат программасидан).

Бу кўчма колоннанинг территориясига қадам қўйишингиз билан қалбингизни бир ажиб ҳис-туйғу қамраб олади. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ўзингизни мўъжазгина истироҳат боғида юргандек ҳис қиласиз. Шу ердаги гўзалликнинг сизга бунчалик таъсир қилаб, тўлқинлантиришнинг боиси бор. Сир эмас, қурилиш ташкилотларининг территориясига кирсангиз, аксарият ҳолларда ноҳуш манзарага дуч келасиз: дарахтлар экилмаганлигини, улар бор жойда эса қаровсиз ташлаб қўйилганлигини, бинокорлик материаллари, машина-механизмларнинг турли қисмлари тартибсиз ётганлигини кўрасиз. Бирон бир соя-салқин жойни учратолмайсиз. Биз ҳикоя қилаётган «Узгоскомсельхозтехника»нинг Бухоро районидаги Чорбакир механизациялашган кўчма колоннаси ҳовлисида эса сизга таниш бўлиб қолган ўша кўринишни эмас, саранжом-саришталикнинг, ям-яшилликнинг шоҳиди бўласиз. Кўнглингиз равшан тортиб, теварак-атрофга қониқиш ҳисси билан қарайсиз, дид билан тайёрланган бадиий паннолларга, кўрсаткич доскаларига қизиқиш билан назар ташлайсиз. Кўргазмали агитация воситаларида тасвирланган диаграммалар, рақамлар кўчма колоннанинг ривожланиш босқичларини ифода этса, турли паннолар сизга завқ-шавқ бағишлайди. Қаёққа қараманг, мевали дарахтларга, сўриларга кўтариб қўйилган токларга, ранг-баранг гулларга кўзингиз тушади. Бутун территориянинг ҳамма ерида бетон ариқчаларда шарқираб, гулзорлар ичидаги пушталарда эса жилдираб сув оқаётгани кайфиятингизни кўтариб юборади.

Бу ерни айланар экансиз, яна бир нарса диққат-эътиборингизни ўзига тортади: соя-салқин жойлардан бирида мўъжазгина дўкончаларни кўрасиз. Улардан бирига «Гўш», яна бирига «Мева» деб ёзиб қўйилган.

—Бу дўкончаларни кўриб ҳайрон бўлманг, —дейди ҳамроҳимиз —кўчма колонна бошлиғининг ўринбосари Суръат Исаев. —«Районнинг савдо ташкилотлари бу ерда ўз шохобчаларини очишибди-да», деган ўйга боришингиз мумкин. Йўқ, ундай эмас. Бу дўкончаларда ёрдамчи хўжалигимизнинг чорвачилик фермасида, боғдорчилик участкасида, лимонарийсида етиштирилган маҳсулотлар ишчи-хизматчиларимизга сотилади. Фермانинг бошқа бир маҳсулоти —сут эса ошхонанинг холодильник билан таъминланган буфети орқали реализация қилинади. Механика цехи, темир-бетон маҳсулотлар полигони ишчиларига эса сут бепул тарқатилади.

Ёрдамчи хўжалик коллективи қорамолчилик билан бирга боғча соҳаларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ўтган йилнинг февралида уч бош она чўчқа сотиб олиниб, ана шу тармоққа ҳам асос қўйилган эди. Ҳозирги пайтда уларнинг сони 60 бошдан ошиб кетди. Бундан ташқари ўтган бир ярим йил давомида ўнлаб чўчқа семиртирилиб, гўштга топширилди. Парранда чилик фермасида дастлабки пайтда бор-йўғи 25 та товуқ бўлган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 100 тадан ошиб кетган. Бу фермадан ҳам 400 килограммдан ортиқ парҳез гўшт, 6 минг донадан ортиқ тухум олинди. Ана шу маҳсулотлардан кўчма колонна территориясидаги ошхонада фойдаланиш билан бирга ишчи-хизматчиларга реализация қилинмоқда. Қўёнчилик, қўйчилик ёрдамчи хўжаликнинг энг кенжа тармоқлари бўлсаларида, ҳозиргача 209 минг сўм маблағ сарфланди. Дастлабки пайтда 40 бош наслли сигир, 9 бош бузоқ сотиб олиниб, иш бошланганди. Ҳозирги пайтда эса жами қорамолларнинг сони 83 бошни ташкил этади. Бунга қўшимча равишда ўтган бир ярим йил давомида қорамоллардан 53 бош бузоқ олиниб, уларнинг 15 боши наслчилик совхозига сотилди. Шунингдек, ўнлаб бош қорамол бўрдоқига боқилиб, сўйилди. Уларнинг гўштини кўчма колоннада очилган дўконча орқали ишчи-хизматчиларга реализация қилиб келяпмиз. 1981 йили 3,7 тонна гўшт сотилган бўлса шу йилнинг ўтган олти ойи ичида бу рақам деярли 2 тоннани ташкил этди. Сут —ферманинг асосий маҳсулоти ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Сабоҳат Жалилова ва Истат Бозорова сингари «оқ чашма» соҳибалари 5 комплект агрегат билан қуйдилар. Ҳозирги кунда дадил айта оламизки, йилнинг қуруқ келиши ҳам, кетма-кет юз берган табиий офат ҳам мақсад сари интилишимизни сусайтиргани йўқ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленумида ўртоқ Ш. Р. Рашидов: «Мева-сабзавот маҳсулоти тайёрлаш, асраш ва қайта ишлаш системасини такомиллаштириш жуда муҳим вазифадир. Аҳолини сабзавот ва мева билан йил бўйи узлуксиз таъминлаб туришни йўлга қўйиш, нобудгарчиликнинг олдини олиш, мева-сабзавот билан савдо қилишни яхшилаш юзасидан қатъий чоралар кўриш керак», — деган айнан биз сабзаводкорларнинг дилидаги гапни айтди.

Дарҳақиқат, сабзавотчиликнинг айнан шу кунларда ечилиши, ҳал этилиши керак бўлган муаммолари анчагина. Мана биттаси: бўлимимиздаги айрим илғор бригадаларда помидордан 500—600 центнердан ҳосил олинаётган бир пайтда баъзи коллективларда гектар бошига ҳосилдорлик 250 центнердан ошмаяпти. Нима учун? Бунинг асосий сабабларини қаердан излаш керак?

Мен ундоқ қилиш керак, бундоқ қилиш керак, деб ваъзхонлик қилиб ўтирмайда, бўлимимиздаги 10-бригадада шу соҳада олиб борилаётган конкрет ишлар хусусида тўхталиб қўя қолай. Шунда бир бригадада гектаридан 250 центнер помидор олинишининг ҳам, иккинчисида 600 центнердан олинишининг ҳам фарқи аён бўлади.

Бу бригадада сабзавотчиликни механизациялаш кенг жорий этиляпти. Ўтган йили эртаги карам ва помидор кўчатлари очиқ майдонларга СКН-6А агрегати ёрдамида экилди. Чопиқ тракторига осиб ишлатиладиган бу агрегатнинг афзаллиги шундаки, у ишлаётганида олдиндан тайёрлаб қўйилган эгатларда бир йўла уя кавлайди, уяга сув қуяди, кўчатни бир текисда экиб кетади. Шунинг билан бирга экилган кўчат ораларига биринчи ишлов ҳам беради. Шу туфайли ҳар гектар ер ҳисобига 14 ишчи кучи тежалди, экишга кетадиган маблағ гектар бошига 120 сўмдан кам сарфланди.

Бу бригадада бир неча йил давомида помидорнинг 40 дан зиёд серҳосил, эртапишар навлари синаб кўрилди. Масалан, 20 хил Америка нави, 13 хил Нидерландия навн, 7 хил Италия навидан ҳосил олинди. Янги навларни синаш билан бирга экиш схемаси ҳам ўзгартирилиб кўрилди. Аввалларн кўчат асосан 70Х70 схемасида квадрат уялаб экиларди. Унда гектарига 43,5 минг туп кўчат жойлашарди. Ўтган йили 100Х40 схемаси қўлланилди. Бунда гектарига 60 минг туп кўчат жойлашди.

Хўш, коллектив сабзаводкорларининг мана шу изланишлари қандай самара берди? Аввалларн гектаридан 300—350 центнердан помидор ҳосили олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 600 центнерга етди. Бошқача айтганда бригадада ҳар гектар ердан пландагн 2485 сўм ўрнига 6500—7000 сўмдан даромад олинди. Мана сизга яхлит хулоса ва натижа.

Сабзаводчиликнинг бизга боғлиқ бўлмаган муаммолари ҳам бор. Биз қишин-ёзин ҳаракат қилиб, эл-юрт дастурхонини файзли қилайлик, деган умидда меҳнат қиламиз. Иўқдан бор қилиб, ҳосил яратамиз. Аммо мана шу ҳосилни қабул пунктларига етказишда жуда кўп қийинчиликларга дуч келямиз. Сабзавот маҳсулотларини ташувчи, махсус транспортлар жуда кам. Терилган помидорларни ёғоч яшчиклараго солиб, уларни прицеп ёки машиналарга юклаймиз.

Мана шундан кейинги томошаларни кўринг. Ёғоч яшчиклар бир-икки қабул пунктларига бориб келгандан кейин ремонт талаб бўлиб қолади. Уни ремонт қилиш учун қанча куч, қанча маблағ, қанча вақт сарф бўлади. Масалан, ўтган йили 10-бригадада етиштирилган маҳсулотни ташиш учун 13 минг яшчик ишлатилди. Улар мавсумда 3—4 мартадан ремонт қилинди. Бригадада яшчик ремонти учунгина 15 минг сўм маблағ сарфланди. Бу бяттта бригададаги аҳвол. Агар бу рақамни совхоз, район, область, республика миқёсида олиб қаралса-чи. Тасаввур қилиш қийин эмас. Ёғоч яшчиклар ўрнига пластмасса яшчиклар ишлаб чиқариш вақти келмадимикан? Ёки сабзавот маҳсулотлари ташийдиган махсус транспортларни кўпайтириш вақти етмадимикан?

Маълумки, областимизда сабзавот, айниқса, помидор маҳсулотлари етиштириш йил сайин ортиб боряпти. Бироқ етиштирилган ҳосил қабул пунктлари дарвозасида 15—20 соатлаб навбат кутиб туриб қолади. Натижада маҳсулот сифати бузиляпти. Бу масалага чуқурроқ, жиддийроқ ёндашмоқ керак. Ана шу қабул пунктн эшигида навбат кутиб турадиган турнақатор машина ва прицепларда мингминглаб сабзаводкорларнинг йил бўйи қилган меҳнати жамланиб турибди. Озиқ-жамланиб турибди. Бундай манзарани кўплаб қабул пунктлари қаршисида кўриш мумкин. Озиқ-овқат программасида шундай сатрлар бор: «Ҳаво транспортида — янги узилган сабзавот ва ҳўл меванн ташишни, биринчи навбатда Сибирь ва Узоқ Шимолнинг олис районларига ташиш ҳажмини ошириш таъминлансин». Партиямиз олдимизга мана шундай вазифани қўйяпти. Олис районларда яшаётган аҳоли дастурхонига сабзавот маҳсулотларини тез, мўл, сифатли ,янгилигича етказиб бериш вазифасини қўймоқда.

Биз бутун куч ва ғайратимизни, билим ва тажрибамизни имкони борича кўпроқ сабзавот маҳсулотлари етиштиришга сарфлаймиз. Бу йўлда тинмай изланамиз. Агар ҳаракат мақсадга яраша бўлса, ҳар қандай марра, шубҳасиз, эгалланади. Биз ҳамма вақт зиммамиздаги юксак мажбуриятларни ортиғи билан бажаришга ҳаракат қиламиз.

У. ҚУРБОНОВ,
Андижон районидаги Охунбобоев номли совхознинг бўлим бошқарувчиси.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК—КОНИ ФОЙДА

Кўчма колоннанинг ёрдамчи хўжалиги фаолияти билан танишишни унинг асоси ҳисобланган чорвачилик фермасидан бошладик. Фермага яқинлашар эканмиз, тадбиркор кишилар ҳар бир ишни оқилона ҳал қилишига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Кўчма колонна территориясининг умумий манзарасига таъсир этмаслик, ҳовлининг санитария ҳолатини кўзлаган ҳолда фермага энг чекка ердан жой танланган. 100 бош қорамолга мўлжалланган мўъжазгина ферма темир-бетон конструкциялардан, қурилишнинг сўнгги ютуқлари асосида барпо этилган. Учта корпусда, ёзги майдончаларда, озуқа цехида ишни механизация воситасида олиб бориш учун шарт-шароитлар яратилган. Бутун теварак-атрофдаги саранжом-саришталик, тартиблилик кишининг диққатини тортади. Ёрдамчи хўжалик ишини ташкил этиш бўйича бир неча марта область кўр газмали семинарлари ана шу чорвачилик фермасида ўтказилганлиги ҳам бежиз эмас.

—Ферма қурилиши 1980 йилнинг ўрталарида бошланиб, 1981 йилнинг февралида тугалланди, —деб ҳикоя қилади ёрдамчи хўжалик мудири Тўхтамурод Шаропов.— Уни барпо этишга қариб нига 250 литрдан ошириб сут соғиб олишмоқда. Бу сутнинг маълум қисми кўчма колонна посёлкасидаги болалар боғча-яслисига жўнатилади. У ерда ишчи-хизматчиларимизнинг фарзандлари ёрдамчи хўжалик неъматидан баҳраманд бўладилар. Ветеринария врачи Самад Файзуллаев, молбоқарлардан Дилшод Атоев, Жўра Ражабов, Матлуба Саидова сингари ферма ходимларимизнинг ўз ишларига сидқидилдан ёндашишлари туфайли маҳсулдорлик тобора ошиб бораяпти. Масалан, 1981 йили деярли 45 тонна сут етиштирган бўлсак, 1982 йилнинг ўтган олти ойидаёқ бу рақам 29 тоннани ташкил этди.

Ҳақиқатан ҳам ферманинг қайси бир участкасида бўлманг иш яхши ташкил этилганлигини кўрасиз. Масалан, озуқа цехини олиб кўрайлик. У ем-хашак майдалайдиган, бўғлаб берадиган қурилмалар билан таъминланган. Ҳар бир озуқа шу ерда қайта ишланиб, омухта ем билан аралаштириб қорамолларга берилади. Бу—табиийки, озуқанинг тўйимлилигини оширади, нишхўрда чиқишига йўл қўймайди. Шунингдек, озуқа рационини бундан бойитиш мақсадида яқинда бу ерда хлорелла цехи ҳам барпо этилди.

Ёрдамчи хўжалик коллективи ферма ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ўтган йилнинг февралида уч бош она чўчқа сотиб олиниб, ана шу тармоққа ҳам асос қўйилган эди. Ҳозирги пайтда уларнинг сони 60 бошдан ошиб кетди. Бундан ташқари ўтган бир ярим йил давомида ўнлаб чўчқа семиртирилиб, гўштга топширилди. Парранда чилик фермасида дастлабки пайтда бор-йўғи 25 та товуқ бўлган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 100 тадан ошиб кетган. Бу фермадан ҳам 400 килограммдан ортиқ парҳез гўшт, 6 минг донадан ортиқ тухум олинди. Ана шу маҳсулотлардан кўчма колонна территориясидаги ошхонада фойдаланиш билан бирга ишчи-хизматчиларга реализация қилинмоқда. Қўёнчилик, қўйчилик ёрдамчи хўжаликнинг энг кенжа тармоқлари бўлсаларида, ҳозиргача 209 минг сўм маблағ сарфланди. Дастлабки пайтда 40 бош наслли сигир, 9 бош бузоқ сотиб олиниб, иш бошланганди. Ҳозирги пайтда эса жами қорамолларнинг сони 83 бошни ташкил этади. Бунга қўшимча равишда ўтган бир ярим йил давомида қорамоллардан 53 бош бузоқ олиниб, уларнинг 15 боши наслчилик совхозига сотилди. Шунингдек, ўнлаб бош қорамол бўрдоқига боқилиб, сўйилди. Уларнинг гўштини кўчма колоннада очилган дўконча орқали ишчи-хизматчиларга реализация қилиб келяпмиз. 1981 йили 3,7 тонна гўшт сотилган бўлса шу йилнинг ўтган олти ойи ичида бу рақам деярли 2 тоннани ташкил этди. Сут —ферманинг асосий маҳсулоти ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Сабоҳат Жалилова ва Истат Бозорова сингари «оқ чашма» соҳибалари 5 комплект агрегат билан қуйдилар. Ҳозирги кунда дадил айта оламизки, йилнинг қуруқ келиши ҳам, кетма-кет юз берган табиий офат ҳам мақсад сари интилишимизни сусайтиргани йўқ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленумида ўртоқ Ш. Р. Рашидов: «Мева-сабзавот маҳсулоти тайёрлаш, асраш ва қайта ишлаш системасини такомиллаштириш жуда муҳим вазифадир. Аҳолини сабзавот ва мева билан йил бўйи узлуксиз таъминлаб туришни йўлга қўйиш, нобудгарчиликнинг олдини олиш, мева-сабзавот билан савдо қилишни яхшилаш юзасидан қатъий чоралар кўриш керак», — деган айнан биз сабзаводкорларнинг дилидаги гапни айтди.

Дарҳақиқат, сабзавотчиликнинг айнан шу кунларда ечилиши, ҳал этилиши керак бўлган муаммолари анчагина. Мана биттаси: бўлимимиздаги айрим илғор бригадаларда помидордан 500—600 центнердан ҳосил олинаётган бир пайтда баъзи коллективларда гектар бошига ҳосилдорлик 250 центнердан ошмаяпти

ЎН САККИЗНИНГ БИРИ

МАККАЖЎХОРИЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН СОВХОЗ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ

«Ўзбекистон ССРда, — дейилади СССРнинг Озиқ-овқат программасида, — ўн биринчи беш йилликда ҳар йили ўртача 2,8—3 миллион тонна ва ўн иккинчи беш йилликда ҳар йили ўртача 3,3—3,5 миллион тонна миқдорида дон етиштирилиши таъминлансин». Ана шу улуғвор вазифанинг бажарилишида маккажўхори асосий экин ҳисобланади. Шу йилнинг ўзида республикада ўн саккизта маккажўхорикорликкга ихтисослаштирилган хўжалик ташкил этилиб, уларга серҳосил ерлар ажратиб берилганлиги дон етиштиришни кўпайтиришда катта истиқболга эга эканини кўрсатади.

Боёвут районидаги маккажўхорикорликкга ихтисослаштирилган «1—Май» совхози ана шундай истиқболли хўжаликлардан. Қуйида ёш коллективнинг ибратли ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Совхоз директори Пиримқул Иўлдошев билан 1-бўлимнинг Жўрақул Жумабоев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси даласида учрашдик. Ўтган йили гектаридан 113 центнердан маккажўхори дони, 450 центнердан силосбоп озуқа етиштирган бригада базасида илғор тажриба мактаби ташкил этилган. Бугун ҳамма бўлим бошқарувчилари, бригада раҳбарлари ва хўжалик мутахассислари шу ерга тўпланишган. Мақсад—маккажўхори сўталаш даврига келиб, қатор ораларида чопиқ тракторларининг юриши қийинлашган паллада ишни қандай ташкил этиш ҳақида маслаҳатлашиб олиш. Бош агроном Мулложон Олимжонов, бош инженер Арсен Пошиев, бўлим бошқарувчиси Нарзиқул Шукуровлар таклифларини ўртага ташлашди. Улар бир фикрга келишиб тарқалишгач, директор билан бафуржа гаплашдик.

— Йигирма уч бригада бошлиғидан биргина Жўрақул илғари маккажўхори билан шуғулланган, —дейди совхоз директори — Мен ҳам, бош агроном ҳам илғари пахтакор хўжаликда ишлаганмиз, маккажўхори агротехникасини яхши билмаймиз. Шунинг учун вегетация бошлангандан бери шу бригадага тўпланамиз, озиқлантириш, қатор ораларига ишлов бериш, суғориш ва зараркунандаларга қарши қандай курашиш тўғрисида маслаҳатлашиб оламиз. Тўғрироғи, билганларимизни ўртоқлашамиз. Ҳар қалай кўпчиликдан фойдали гап чиқади.

Шундай қилиб, «Боёвут» совхозининг уч бўлими базасида ташкил этилган «1—Май» совхозига 2147 гектар суғориладиган, аниқроғи илғари чигит экилиб юрган майдонлар, шунга яраша ишчи кучлари, техника воситалари ажратиб берилди.

Айрим одамлар ўйлаганчалик, маккажўхори дуч келган ерда ўсавермайди. Гектаридан 80-100 центнердан ҳосил олиш учун аввало уруғни танлаш, ернинг тупроқ таркибига қараб ўғитлаш ва суғориш керак. Шуни ҳисобга олган совхоз мутахассислари алмашлаб экиш системасига қатъий амал қилиб, 290 гектар майдонни алмашлаб экиш зонасига ажратишди ва 1850 гектар ерга Бц-66-25 югослав гибриди ва ВИР-338 гибридининг биринчи авлодини экдилар.

Бугун маккажўхоризорларни айланган кишининг кўзи қувнайди. Озуқага тўйдириб, қатор оралари вақтида юмшатилган ва сувга қондирилган ниҳолларнинг бўйи 1,5-2 метрдан ошиб қолган. Айрим тўпларда ҳозирнинг ўзидаёқ иккитадан бўлиқ сўталар бор. Илғор тажриба мактабига айланган Жўрақул Жумабоев бошлиқ бригадада ҳам, шу бўлимдаги Холиқ Ҳулойбердиев, Меҳри Олланазарова бригаталарида ҳам гектарига ўртача 46—48 минг тупдан ниҳол сanадик. Демак гектаридан 110—120 центнердан «қаҳрабо дон» олишга ишончли пойдевор қўйилган.

Бўлимлараро мусобақада 729 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган Шодмонқул Ашуралиев бошқарувчи бўлган 3-бўлим коллективи бир неча марта ғолиб чиқиб, шўрхок ерларда ҳам ҳалол меҳнат эвазига юқори ҳосил етиштириш мумкин эканини амалда исботламоқда. Шу бўлимнинг Ғарим Файзуллаев, Мансур Рустамов, Норқул Ниёзалиев бошлиқ бригадаларида азаматлар шу куннинг ҳар бир дақиқасидан ҳосил чўғини кўпайтириш учун фойдаланаётганликларининг гувоҳи бўлдик.

Ғарим Файзуллаев бошлиқ бригадада 84 гектар майдоннинг ҳаммасига маккажўхори билан лавлаги аралаштириб экилган. Саккиз азамат гектаридан 110 центнердан дон, 400 центнердан силосбоп озуқа, 450 центнердан лавлаги олиш учун меҳнат қилишяпти.

— Ўтган йили худди шу ерлардан 41 центнердан пахта олгандик, — дейди Ғарим ака маккажўхоризорга ишора қилиб. — Мана энди маккажўхорикорга айланиб қолдик. Тўғри, ҳаммамиз деҳқонмиз. Лекин ғўза билан маккажўхори агротехникасида катта фарқ бор. Механизатор Кубай Ҳасанов билан бирга маккажўхорининг Бц-66-25 югослав гибриди уруғини экиш пайтидаёқ йиллик нормадаги озуқанинг ярмини бергандик, Тўғри қилган эканмиз: биринчи сувдан кейин ниҳоллар бўйи совхоз директори. —Ҳайдов ва чопиқ тракторларини бошқарадиган механизаторлар учун дон комбайнларини бошқаришни ўргатдиган қисқа муддатли курс ташкил этдик. Совхозимиз территориясидаги икки ўрта ва бир саккиз йиллик мактабларни битирган ёшлар учун ҳам алоҳида курс очилади. Мақсадимиз ўрим-йиғим бошлангунга қадар ҳар бир комбайнга икки нафардан ҳайдовчи тайёрлаш.

Лекин бизни ташвишга солаётган муаммолар бор: аввало ажратилган комбайнларнинг ҳали ярмини ҳам олганимиз йўқ. Қуритиш майдончалари қуришга мутасадди бўлган ташкилотлар ишга киришмаган. Шунингдек, транспорт тракторлари, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ҳам талаб даражасида эмас.

Совхоз директорининг ташвишланганича бор. Шунча меҳнатлар эвазига етиштирилган ҳосилни пахта йиғим-терими бошлангунга қадар йиғиштириб олиш, СССРнинг 60 йиллик юбилейи шарафига қабул қилинган мажбуриятнинг бажарилиши кўп жиҳатдан ана шу муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқ.

Ҳозирча маккажўхорикорликкга ихтисослаштирилган хўжаликнинг биринчи қадами шундай. Совхознинг эртаси янада порлоқ. Бу йил 120 тонна гўшт, 360 тонна сут етиштириш маррасини белгилаган хўжалик чорвадорлари 1990 йилгача гўшт етиштиришни уч баравергa, сутни — 2,5, тухум тайёрлашни уч баравергa кўпайтириш учун курашмоқдалар.

СССРнинг Озиқ-овқат программасида дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш асосий вазифалардан қилиб қўйилган. Ўзининг илк қадамини шаҳдам ташлаётган коллектив ёқиқ истиқболли кўзлаб, ана шу программанинг амалга оширилишига муносиб улуш қўшиш нияти билан меҳнат қилмоқда.

Ж. ШАРОПОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ИЖОДКОРЛАР МАЪМУРЧИЛИК УЧУН КУРАШДА

Яқинда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи коммунистларининг партия йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Бутунитифоқ авторлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги Ўзбекистон бўлимининг бошлиғи; Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий «КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлари ва Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг Озиқ-овқат программасини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги вазифалари» тўғрисида доклад қилди. Доклад юзасидан музокараларда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. Азимов, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг редактори, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор, ёзувчи Андрей Иванов, «Йилдиз» журналининг бош редактори Ш. Аляднов, «Ёшлик» журналининг редактори Эркин Воҳидов, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Тошкент бўлимининг масъул секретари Абдулла Орипов, «Звезда Востока» журналининг бўлим мудири М. Гребенюк, СССР адабиёт фонди Ўзбекистон бўлими Советининг раиси Мумтоз Муҳамедовлар қатнашиб. Озиқ-овқат программасини ҳаётга татбиқ этиш учун курашда Ёзувчилар союзи партия ташкилоти ва барча коммунистлари олдида турган вазифалар хусусида қимматли фикр ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Йиғилишда партиямизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш, совет халқининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ,эҳтиёжини тўла қондириш, қишлар турмушининг моддий ва маданий даражасини оширишга қаратилган конкрет планларининг катта аҳамиятга молик эканлиги, бу планларни бажариш умумхалқ иши эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар Ўзбекистонда Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишида, коммунистик қурилишнинг барча босқичларида партиямизнинг ишончли ёрдамчилари — коммунист ёзувчилар катта ҳисса қўшишлари мумкинлиги ва гоят зарурлигини қайд этиб ўтишди.

Партия йиғилишида муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси ва партия ташкилотининг Озиқ-овқат программасини бажаришда актив иштирок этишга қаратилган махсус тадбирлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Белгиланган тадбирларга кўра сўз усталари партия планларини ҳаётга татбиқ этишда актив иштирок этадилар. Ёзувчилар союзи секретариатининг кўчма мажлисларини республикамизнинг турли областларида ўтказиш практикаси ижил давом эттирилади. Жойларда ижодкорларнинг меҳнаткашлар билан учрашувлари ўтказиб турилади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Йилдиз», «Ёшлик» журналлари ўз саҳифаларида «Ёзувчилар республика далаларида» доимий рубрикаси остида публицистик мақолалар, очерклар, лавҳалар беради. Шунингдек, «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналлари редколлегиялари партия ва совет органлари раҳбар ходимлари, республиканинг етакчи олимлари, халқ хўжалиги мутахассислари, ишлаб чиқариш илғорлари билан қишлоқ хўжалигининг долзарб масалалари юзасидан «Давра суҳбатлари» ўтказиб турадилар.

Ёзувчилардан ташкил этилган 15 та бригада Пленум қарорларини кенг тушунтириш учун республикамизнинг барча областлари ва ҚҚАССРга жўнаб кетадилар. Шунингдек, умумхалқ қураши қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилувчи очерк ва публицистик мақолалар тўпламларини тайёрлаш ва нашр этиш планлаштирилди.

* * *

Партия йиғилиши тугагандан кейин Ўзбекистон ёзувчиларининг митинги бўлиб ўтди. Унда республикадаги барча ижодкорларга қарата Очиқ хат қабул қилинди. Хатда Исроил босқинчилари босиб олинган Ливан территориясида қилаётган вахшийликлари қаттиқ қораланди. Ўзбекистон ёзувчилари босқинчилардан вахшиёна агрессияни дарҳол тўхтатиш ва Исроил қўшинларини Ливан территориясидан олиб чиқиб кетишни қатъий талаб қилдилар.

В. НИКОЛАЕВ.

ЯДРО УРУШИ ХАВФИ ИЎҚ ҚИЛИНСИН

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устиновнинг шу йил 12 июлда «Правда» газетасида эълон қилинган «Ядро уруши хавфи йўқ қилинсин» сарлавҳали мақоласи алоҳида китобча қилиб босмадан чиқарилди.

Китобчани сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЯҚИН ШАРҚҚА—МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Правда» газетаси саволларига берган жавоблари бутун жаҳонда катта қизиқиш туғдирди. Чет эллардаги оммавий ахборот воситалари Л. И. Брежневнинг фаластинликларнинг ўз давлатини вужудга келтириш тўғрисидаги таклифига алоҳида эътибор бермоқдалар. Шарҳларда таъкидлаб ўтилганидек, ўзининг тинчликсевар ташқи сиёсатига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Исроилнинг Ливандаги агрессиясини тўхтатишни қатъиян ёқлаб чиқмоқда, Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик ўрнатишга, Яқин Шарқ проблемасини кенг кўламда ва адолатли равишда ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда.

Совет раҳбарининг жавоблари араб мамлакатларининг зўр эътиборини ўзига жалб этди. Ливан газеталари бу жавобларнинг батафсил баёнини биринчи саҳифаларда босиб чиқардилар. Байрутда чиқадиган **«Ан-Нидо»** газетаси Совет Иттифоқи Яқин Шарқ можаросини бартараф қилишга гоят реалистик тарзда ёндошаётганлигини уқтириб ўтади. Газета ёзади: Л. И. Брежнев Фаластин давлатини вужудга келтириш — Фаластин араб халқи проблемасини ҳал этишнинг энг яхши реалистик йўлидир, деди. Совет раҳбари Исроил қўшинларининг Байрутни қамал қилиб туришини дарҳол тўхтатишни, Исроил қўшинларини Ливандан дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетишни талаб этди, Америка қўшинларининг Ливан тупроғида пайдо бўлишига йўл қўйиб бўлмаслигини айтди.

Суриянинг САНА агентлиги Л. И. Брежневнинг Фаластин давлатини вужудга келтириш Фаластин араб халқи проблемасини ҳал этишнинг энг яхши, реалистик йўли эканлиги тўғрисида айтган гапларига алоҳида эътибор беради. Совет раҳбари, деб хабар беради агентлик. Яқин Шарқ проблемасини манфаатдор барча томонларнинг, шу жумладан, Фаластин халқининг бирданбир қонуний вакили бўлмиш Фаластин Озодлик ташкилотининг коллектив куч-ғайрати натижасидагина ҳал этиш мумкин, деб таъкидлади. Совет Иттифоқи, деб қайд этади агентлик, агрессор олдида бўйсунмаган ва Яқин Шарқда можарони адолатли бартараф қилишга ва тинчликка интилаётган барча кишиларга ёрдам ва мадад бериб келди ва бундан буён ҳам уларни қўллаб-қувватлай беради.

Жазоирнинг АПС агентлиги уқтириб ўтишича, Совет Иттифоқи Фаластин араб халқининг ҳуқуқларини, аввало унинг Фаластин давлатини вужудга келтириш ҳуқуқини яна қўллаб-қувватлади. Л. И. Брежнев айтганидек, араблар фаластинликларнинг хавф-хатарсиз яшаш, мустақил ривожланиш ва ўз давлатини вужудга келтириш — Фаластин араб халқи проблемасини ҳал этишнинг таъминлаш учун лозим бўлган тадбирларни биргаликда белгилаб чиқишлари зарур эканлиги ва уларнинг бирлиги жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Л. И. Брежнев, деб уқтириб ўтади **Жазоир радиоси,** совет кишилари фаластинликларнинг мардлиги ва саботматонатига қойил қолганлигини билдирди. Совет Иттифоқи араб халқларига ёрдам ва мадад беражагини яна таъкидлади. Жазоирнинг **«Аш-Шаъб»** газетаси ёзади: Совет раҳбари Исроилнинг Ливандаги агрессиясини қатъиян қоралади ва бу агрессияга қирғинчилик деб баҳо берди.

Иордания газеталари Фаластин халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш ва Исроилнинг Ливандаги агрессиясини тўхтатиш соҳасида СССР принципиал позицияда турганлигини таъкидлайдилар.

Совет президенти, деб уқтириб ўтади **«Вашингтон пост»** газетаси. Фаластин давлатини вужудга келтириш Фаластин араб халқи проблемасини ҳал этишнинг энг яхши реалистик йўлидир, деди.

Газета яна қуйидагиларни ёзади: Совет раҳбари Яқин Шарқ масаласи юзасидан халқаро конференцияни чақиришга даъват этди ва айни вақтда Яқин Шарқда мустаҳкам тинчликни ўрнатишга ўз ҳиссасини қўшишни истаган барча кишилар билан амалий ҳамкорлик қилишга СССР тайёр эканлигини таъкидлади. Газетанинг фикрича, бу жавоблар Москванинг Фаластин халқи қурашини дипломатик ва сиёсий йўл билан тамомила қўллаб-қувватлаш сиёсатини ривожлантиради. «Вашингтон пост» газетаси яна қуйидагиларни ёзади: Л. И. Брежнев Совет Иттифоқи Америка қўшимларининг Ливан тупроғида пайдо бўлишига бундан буён ҳам қатъиян қарши чиқади, деди.

Франс пресс агентлиги қуйидагиларни таъкидлайди: Л. И. Брежнев фаластинликларнинг ишини қўллаб-қувватлашини тасдиқлади. У айтдики, Фаластин проблемаси қанчалик мураккаб бўлмасин, Фаластин халқи қандай қийинчиликни бошидан кечирмасин, бундан қатъи назар бир нарса равшан: Фаластин проблемаси жуда ҳам чигал масала эмас, бу масалани зўравонлик билан ҳал этиб бўлмайди. Совет раҳбари уқтириб ўтганидек, Фаластин давлатини вужудга келтириш — Фаластин араб халқи проблемасини ҳал этишнинг энг яхши, реалистик йўлидир. Франциянинг **«Либерасьон»** газетаси қуйидагиларни қайд этади: Л. И. Брежнев Яқин Шарқ проблемасини адолатли ва кенг кўламда ҳал этиш учун бутун масъулиятни сезган ҳолда жиддий иш бошлаш зарур эканлигини айтди ва сепарат битимлар тузиш йўли барбод бўлганлигини кўрсатди. Совет президенти Яқин Шарқ масаласи юзасидан халқаро конференция чақиришни яна таклиф этди.

Л. И. Брежнев, деб уқтириб ўтади Болгариянинг **«Работническо дело»** газетаси, Исроилнинг Ливандаги босқинчилигини қатъиян қоралади ва Фаластин араб халқи проблемасини ҳал этишнинг энг яхши, реалистик йўли сифатида Фаластин давлатини вужудга келтириш кераклигини айтди. Ливандаги воқеаларга нисбатан Совет Иттифоқининг позицияси равшан: уруш олови ўчирилиши, агрессия тўхтатилиши керак, Исроил қўшинлари Ливан территориясидан чиқиб кетиши керак. Совет Иттифоқи Яқин Шарқ масаласи юзасидан халқаро конференция чақириш тўғрисида илгари сурган таклифи ҳозирги вазиятда жуда муҳим эканлигини таъкидлади.

Чехословакиянинг **«Руде право»** газетаси ёзади: СССР Фаластин проблемасини зўравонлик билан ҳал этиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. СССР Фаластин давлатининг вужудга келтирилишини қўллаб-қувватлайди ва Исроил билан АҚШ БМТ хавфсизлик кенгашининг суверен Ливан давлатига қарши агрессияни тўхтатиш ҳақидаги ҳамда Исроил қўшинларини дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарорини бажарсин, деб талаб этади.

Американинг АП ахборот агентлиги Л. И. Брежневнинг жавоблари Совет Иттифоқининг Ливандаги можарони тинч бартараф қилиш ишида ўз ролини бажаришга тайёр эканлигини акс эттиради, деб ҳисоблайди. Агентликнинг таъкидлаб ўтишича, Москва Исроилнинг Ливандан чиқиб кетишини кўп марта талаб этди ва Яқин Шарқдаги воқеалар можаро райони СССР чегараларига яқин жойда эканлиги сабабли Совет Иттифоқининг манфаатларига бевосита хавф тўғдиради, деди. Американинг ЮПИ агентлиги Ғарб дипломатларининг Совет раҳбарининг жавоблари Москва Ливандаги воқеалардан гоят ташвишланаётганлигини ва бу региондаги можарони тинч бартараф қилиш учун ёрдам беришга интилаётганлигини акс эттиради, деган гапларини мисол қилиб келтиради.

(ТАСС).

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ДАЪВАТИ

КАМПАЛА. (ТАСС). Уганда президенти М. Оботе республиканинг барча сиёсий кучларига мурожаат этиб, уларни ҳукуматнинг энг зарур иқтисодий проблемаларни ҳал этишга қаратилган куч-ғайратларини қўллаб-қувватлашга даъват қилди. Ў мамлакатни тиклаш жараёнида банкларнинг иштирок этиши масалаларига бағишлаб бу ерда ўтказилган семинарда нутқ сўзлади.

Уганда президенти (у айни вақтда молия министри ҳамдир) ҳозирги қийинчиликлар учун айбни аввалги ҳарбий диктатура режими зиммасига юклади. Мана шу режим чоғида миллий экономикага раҳбарлик қилиш билимсиз ва масъулиятсиз кишиларга топшириб қўйилган эди. Президент ҳукуматнинг молия соҳасидаги энг яқин планларини маълум қилди. Жумладан, мамлакатда муомалада бўлган пулларни қисқартириш чораларини кўриш мўлжалланмоқда. М. Оботе Уганда ҳукумати миллий тотувлик йўлига амал қилишга, демократия принципларига риоя этишга қаттиқ интилаётганлигини ҳам билдирди.

Асошиэйтед пресс агентлигининг эътироф этишича, ҳукуматнинг миллий экономикани соғломлаштириш юзасидан илгари қабул қилган тадбирлари Уганданинг бирмунча тараққиётга эришиш имконини берди. Чунончи, эндиликда аҳоли қанд шакар ва туз каби энг зарур маҳсулотлар билан таъминланган. Бир қанча асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини ошириш тўхтатиб қўйилди.

ҒАРБИЙ САҲРОИ КАБИРДА ЖАНГЛАР

ЖАЗОИР. (ТАСС). Ғарбий Саҳрои Кабир аҳолисига мустақиллик берилиши учун курашаётган Полисарио фронти жангчилари 14 июлдан 18 июлгача Смара, Мзеринг, Рус Ассабта ва бошқа аҳоли пунктларида жойлашган Марокаш қўшинларига қарши бир қанча операцияларни ўтказдилар, дейилади фронтнинг бу ерда тарқатилган ахборотида. Жанглар давомида Марокашнинг 70 дан кўпроқ ҳарбий хизматчиси ўлдирилган, талайгина миқдорда ҳарбий техника ва аслаҳа анжом йўқ қилинган.

РАБОТ. МАП агентлигининг хабарида қуйидагилар айтилади: Марокаш армияси ғарбий Саҳрои Кабир территориясида унинг позицияларига ҳужум қилган душман бўлинмаларининг аскари ва техникасига катта талафотлар етказган. 60 киши ўлдирилган, иккита реактив артиллерия қурилмаси, 36 та автомобиль, бошқа ҳарбий техника яксон қилинган.

ТЕЛ-АВИВ ИҒВОГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

БАЙРУТ. (ТАСС). Исроил қўшинлари қамалдаги Ғарбий Байрутнинг жанубий ва жанубий-шарқий чеккаларида қуролли иғвогарликни гоят кучайтириб юбордилар. Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари бутун кун бўйи разведка мақсадида Ливан пойтахти осмонида учиб юрди. Фаластин қаршилик ҳаракати отрядлари ва Ливаннинг милли-ватанпарвар кучлари қуғунларнинг йўлини тўсиш учун зенит воситаларидан қаттиқ ўт очдилар. Исроил артиллерияси эрталабдан бошлаб шаҳарни ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиб турган чизиқ бўйидаги уй-жой кварталларини кетма-кет тўпга тутди. Тушдан кейин интервенциячилар ўт очиш доирасини кенгайтириб, Ғарбий Байрутнинг жанубий чеккалари ва Хай-ас-Саллум, Лайлаки районларини, Фаластин қочоқлари жойлашган бурж ал-Баражна лагерини ўққа тута бошладилар. Фаластин қаршилик ҳаракати ва миллий-ватанпарвар кучлар бирлашган отрядлари артиллерияси жавоб ўти очди.

Исроилликлар Байрут халқаро аэропорти районида ўз позицияларини яхшилаш ва илгари силжиб боришга уриндилар. Аммо шаҳар ҳимоячилари бу ҳужумни қайтардилар. Исроил қўшинлари талофот кўриб, аввалги позицияларига чекиндилар.

Ливаннинг босқинчилар босиб олган территориясида ҳам душманга қаршилик кўрсатилмоқда. Ватанпарварларнинг отрядлари Ғарбий Бекаа районида иккита операция ўтказдилар. Бу ерда ана шу отрядлар пистирма қуриб, Исроилнинг бронетранспортерини, бир неча автомашинасини яксон қилдилар, Исроил ҳарбий хизматчиларидан неча ўнлаб киши ўлдирилди ва жароҳатланди. Исроилликлар қаттиқ қаршиликка дуч келиб ва катта талофот кўриб, фаластинликларнинг Айн ал-Хилве, Рашидия, Ал-Бас лагерларини бульдозерлар билан бузиб, текислаб ташладилар. 14 лагерь тамомила вайрон қилинди дейиш мумкин. Қочоқларнинг талайгина қисми жойлашган Дамурда ҳам ҳамма бинолар ер билан яксон қилинди. «Исроил армияси, — деб таъкидлайди Абу Жиҳод, — ҳужум қила бориб, ўз йўлида учраган ҳамма нарсани яксон қилди. У ҳеч нарсани — тинч аҳолини ҳам, экин ва чорва молларини ҳам, уй-жой бинолари, социал муассасалар, госпиталлар, элчихоналарни ҳам аямади...».

Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг аъзоси, Я. Абд Раббу Греция ҳақидаги «Ризоспастис» газетасининг мухбири билан қилган суҳбатида Америка билан Исроилнинг Ливандаги агрессиясидан қизатилган мақсадларга тўхталиб, шу гапларни айтди: бу мақсадлар — ана шу мамлакатда империалистлар ҳукмронлигини ўрнатишдан, бу мамлакатни тамомила қўлга олиб, ҳозирги Ливан олдида иқчиларнинг фашист идеологиясига амал қиладиган ва Исроил ҳукмронлисида иш кўрадиган давлатни вужудга келтиришдан иборат.

Я. Абд Раббу яна бундай деди: ҳозирги вақтда Ливанда қўғирчоқ режимни ўрнатиш режалари мамлакатда жуда қаттиқ қаршиликка дуч келмоқда. Фаластин Озодлик ташкилоти ва Ливандаги тараққийпарвар кучларгина эмас, жамоатчиликнинг кенг доиралари ҳам бу режимларга қарши чиқмоқда.

Абд Раббу Совет Иттифоқининг фаластинликлар томонидан олиб борилаётган адолатли курашга нисбатан тутган позициясига юксак баҳо берди.

ВАШИНГТОН. Сурия ташқи ишлар министри Абдил Халим Ҳаддам ва Саудия Арабистони ташқи ишлар министри шаҳзода Сауд ал-Файсал бу ерда Рейган билан учрашганларидан кейин Ливандаги аҳвол ва Фаластин проблемасини ҳал этиш йўллари тўғрисидаги масалада ўз ҳукуматларининг позициясини АҚШ президентига ва Араб мамлакатлари иттифоқига маълум қилганликларини билдирдилар.

Абдил Халим Ҳаддам журналистларга шу гапларни айтди: Исроил оккупациячи қўшинларини Ливандан тезроқ олиб чиқиб кетишга эришиш — АҚШга қилган сафаримизнинг мақсади эди. Ҳозирги вақтда, деб таъкидлади Саудия министри, исроилликларнинг Ливандан чиқиб кетишини таъминлаш зарур.

Парижда бўлиб ўтган тинчлик маршида 250 минг киши иштирок этди. Франция пойтахтида бундай улкан умумхалқ намойиши биринчи марта ўтказилишидир.

Монпарнас баландлигидан Бастилия майдони томон кетаётган намойишчилар оқимининг охири кўринмасди. Улар орасида турли касб ва қарашдаги кишиларни учратиш мумкин эди. Транспарантларда «Йўқолсин нейтрон бомба!», «Рейганнинг урушқоқлик сиёсатига чек қўйилсин!», «Жаҳонга тинчлик!» деган чақириқлар кўзга ташланарди.

АФП—ТАСС фотоси.

ИРОҚ-ЭРОН ФРОНТИДА

БАЙРУТ. (ТАСС). Эрон билан Ироқ ўртасидаги чегарада уруш ҳаракатлари давом этмоқда. Уруш ҳаракатлари икки фронтда —Басра шаҳридан шимолроқда ва шимоли-шарқроқда олиб борилмоқда. Бу ерда фронт чизиғи Ироқ территорияси бўйлаб тахминан 10—15 километр ичкаридан ўтади. Уруш ҳаракатлари район Эрон территориясидаги Хуррамшаҳр ва Абадан шаҳарларини ҳам ўз ичига олади.

Хабар берилишича, ғарбий фронтда Эрон қуролли кучлари ҳужум операцияларини ривожлантира олмади, асосан позицион жанглар, тўп ва миномёт отишмалари олиб борилмоқда. Эроннинг ҳарбий ҳаво кучлари Ироқнинг ҳарбий техникасига ва аскарлари тўпланган жойларга вақт-вақти билан зарба бермоқдалар. «Ислом революцияси посбонлари» корпуси марказий штаби ва Эрон қуролли кучлари бирлашган штабининг Теҳронда тарқатилган қўшма маълумотида қуйидагилар хабар қилинади. Эрон авиацияси Эрон шаҳарларининг бомбардимон қилинишига жавобан Бағдод чеккаларидаги нефть объектларига зарба берган. Ироқнинг икки вертолёти уриб туширилган. Ироқ территориясида жойлашган Эрон қўшинлари, дейилади маълумотда, босиб олинган позицияларида мустаҳкам ўрнашиб олишни давом эттирмоқдалар.

Бу ерда олинаётган маълумотларга кўра, Эрон қўшинларининг Басра шаҳри ёнида бошлаган ҳужумини қайтарган Ироқ қўшинлари душманга катта талофот етказишга муваффақ бўлган. Ироқ қўшинлари фронтнинг кўпгина участкаларида яна давлат чегарасига чиққанликлари таслиқланади.

Ироқ бош министрининг ўринбосари Т. Азиз Бағдодда бўлиб ўтган матбуот конференциясида қуйидагиларни хабар қилди. 13 июлдан 20 июлгача ўтган вақт ичида эронликлардан қариб 10 минг киши асир олинган. Эроннинг 200 танки, 60 та бронетранспортёри, 3 та самолёти яксон қилинган.

Ахборот

СОВҒА

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозида (Дўстлик районн) 30 га яқин миллат вакиллари меҳнат қилишади. Хўжалик аъзолари ҳар йили кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, олинаётган даромад миқдорини кўпайтириб боришмоқда.

Бу ерда чўлқуварларнинг фидокорона меҳнат қилиши учун барча шарт-шароит яратилган. Яқинда совхоз меҳнаткашларининг фарзандлари ажойиб совға олишди. Улар учун 90 ўринли янги болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Замонавий типда қурилган боғчада эркатойларнинг ҳар томонлама камол топиши учун имкониятлар етарли.

И. УСМОНОВ,
Жиззах области.

●

ҚУЛАЙЛИК

Яқинда Советобод районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхози ишчилари учун яна бир қулайлик яратилди.

Хўжаликда янги 100 номерли автомат-телефон станцияси ишга туширилди. Уни область алоқа бошқармасина қарашли механизациялашган кўчма колоннанинг А. Маҳсудов етакчилик қилаётган участка қурувчилари фойдаланишга топширдилар.

Телефон станцияси совхоз аҳолисининг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда.

Ш. УМИРОВА,
Самарқанд области.

* * *

Шунингдек, қашқадарёлик **Н. Ҳуррамов, Д. Ҳақназаров, Б. Элмуродов, Ғ. Акрамов**, наманганлик **Э. Ҳамидов, П. Бухоров, Д. Юсупова**, фарғоналик **У. Қурбонов, А. Мадраҳимов, А. Узоқов**, тошкентлик **Х. Хушматов, М. Саримсоқов**, андижонлик **Б. Мавлонов** ва сирдарёлик **Е. Бобоевлар** ҳам турли хил мавзуларда хушхабарлар йўллашган.

ПУНКТ ЛИМОНАРИНИСИ

Чортоқ районидаги Алихон пахта тайёрлаш пунктида 1979 йили лимонарий ташкил этилиб, 28 тун лимон келтирилган эди. Юмшоқ денгиз иқлимига мослашган ўсимликни ўстириш ва воягa етказиш осон бўлмади.

Болтамат Абдураҳмонов пахта тайёрлаш пунктида сушилка созловчи бўлиб ишлайди. Азалдан ўсимликларга меҳр қўйган Болтамат ака лимонзорга қизиқиб қолди ва бўш вақтини шу ерда ўтказа бошлади. Унинг жонқуярлиги билан бу ноёб ўсимликнинг миқдори икки йил ичида 80 тупга етди. Ўз билимини ошириш мақсадида бошқа лимонарийларга бориб, тажриба ўрганди. Мутахассислар билан маслаҳатлашди. Бу йил Болтабой ака 50 килограмм ҳосил олиш учун ҳаракат қилмоқда.

Пахта тайёрлаш пункти маъмурияти лимонарийни кенгайтириб, кўчатлар миқдорини 200 тупга етказишни мўлжаллаяпти.

С. МУСАБОЕВ,
Наманган области.

●

Яқинда Советобод районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхози ишчилари учун яна бир қулайлик яратилди.

Хўжаликда янги 100 номерли автомат-телефон станцияси ишга туширилди. Уни область алоқа бошқармасина қарашли механизациялашган кўчма колоннанинг А. Маҳсудов етакчилик қилаётган участка қурувчилари фойдаланишга топширдилар.

Телефон станцияси совхоз аҳолисининг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда.

Ш. УМИРОВА,
Самарқанд области.

* * *

Шунингдек, қашқадарёлик **Н. Ҳуррамов, Д. Ҳақназаров, Б. Элмуродов, Ғ. Акрамов**, наманганлик **Э. Ҳамидов, П. Бухоров, Д. Юсупова**, фарғоналик **У. Қурбонов, А. Мадраҳимов, А. Узоқов**, тошкентлик **Х. Хушматов, М. Саримсоқов**, андижонлик **Б. Мавлонов** ва сирдарёлик **Е. Бобоевлар** ҳам турли хил мавзуларда хушхабарлар йўллашган.

ҲАР ТЎҒРИДА

ОСМОНДАН «СИРКА» ЕҒИЛМОҚДА

Америка Қўшма Штатларининг шарқий районларига ёғаётган ёмғир ўз хусусиятига кўра сиркага ўхшайди. Ёмғир сувларининг кислоталик даражаси баъзида белгиланган нормадан бир неча юз баравар ошиб кетмоқда. Гап шундаки, бу районларда саноат корхоналари ниҳоятда кўп жойлашган, Америка корпорациялари эса фойда кетидан қувиб тозалаш иншоотини қуришга сарфланадиган маблағни тежаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Натижада Америка Қўшма Штатларидаги корхоналар ҳар йили атроф-муҳитга қариб 30 миллион тонна олтингугурт оксиди. 20 миллион тонна азот оксидини чиқармоқдалар. Бу заҳарли ёмғирлар кишиларнинг саломатлигига жиддий зарар етказмоқда ва кўпгина биноларнинг емирилишига олиб келяпти.

ТИМСОҲЛАР ПИСТИРМАДА

Яқин вақтлардан бери Замбиянинг Мвер кўли яқинида жойлашган қишлоқлар аҳолиси учун тимсоҳлар катта фалокат келтирмоқда. Бу район аҳолиси сув ҳавзаларидан бўйнига ёлғиз чиқишга қўрқади. Чунки, ўткир тишли тимсоҳлар пистирмада туришган бўлишади. Сўнгги бир неча ой ичида тимсоҳларнинг ҳужуми натижасида 30 киши нобуд бўлди. Олимларнинг ҳисоблашларича, тимсоҳларнинг бунчалик қонхўр бўлиб қолганлигининг сабаби кўлда балиқларнинг ниҳоятда камайиб кетганлигидир. Ўзининг одатдаги озуқасидан маҳрум бўлиб қолган тимсоҳлар кишиларга ҳужум қилмоқдалар.

ВЕТЕРАННИНГ СЎНГГИ РЕЙСИ

Дунёдаги энг кекса, 132 йилдан бери фойдаланиб келинаётган Швециянинг «Клараборг» кемаси сув остига чўкиб кетди. Фалокат Ҳинд океанида Петр шаҳри яқинида (Австралиянинг ғарбий қирғоғи) кемаларнинг тагига сув ниҳоятда катта куч билан кириб келиши ва насос станциясининг ишламаслиги оқибатида рўй берди. Экипаж аъзоларн қутқариб қолинди.

(ТАСС).

ЁЗ ЎТМОҚДА СОЗ

Республикамизнинг олтин водийси деб ҳисобланиш сўлим Фарғонада ҳушҳаво, соя-салқин ерларга жойлашган оромгоҳлар анчагина. Чимён қишлоғи бағридаги «Госкомсельхозтехника» область бирлашмасига қарашли «Дўстлик» пионер лагери ҳам ана шундай манзилгоҳларнинг биридир. Бу ерда ҳозирги кунда ишчи ва хизматчиларнинг қариб 300 дан зиёд фарзанди ёзги каникулнни мароқли ўтказмоқда. Лагерда ёшларнинг яхши дам олишлари учун ҳамма шароит муҳайё. Орогоҳда вақти-вақтида турли спорт мусобақалари, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ва адабий кечалар ўтказиб турилибди. Областнинг Ҳамзаобод ва бошқа кўркам, хушманзара жойларига уюштирилаётган саёҳатлар ҳам болаларга завқ-шавқ бағишламоқда.

Суратда: «Дўстлик» пионер лагери бағрида.

Н. Раҳмонов фотолари.

«Қизил китоб» саҳифалари

ТОҒ КУРКАСИ

У ҳаммага таниш бўлган каклик ва чилларнинг яқин қариндоши бўлиб, юксак тоғли районларимизда яшайдиган одатдаги қуш бўлса-да, кўпчилик уни кўришга муяссар бўлмаган.

Уларнинг яна бир номи бор: «Тоғ куркаси» деб ҳам аташади. Ташқи кўринишн куркага бир оз ўхшаганлиги учун ҳам шундай ном олган. Ўрта Осиёда яшайдиган қушлар орасида ов қилинадиган турларидан саналади. Одатда денгиз сатҳидан 3000 метр паст ерларда учрамайди. Ўта эҳтиёткор. Одамни юз метрча ҳам яқин йўлатмайди. Шу боисдан қўлга тушириш ниҳоятда қийин.

Мамлакатимизда уларнинг беш тури яшайди. Булар Кавказ, Каспий, Олтой, Тибет ва Ҳимолай турларидир. Ўзбекистонда уларнинг Ҳимолай тури яшайди.

Улар яхши кўриш қобилиятига эга бўлиб, овчини узоқдан сезиб ва кўриб қолади-да, сой ёки қўшни чўқиндан учиб ўтиб кетади ва етиб бўлмайдиган бўлиб қолади. Улар кам кўриниб, овози тез-тез эшитилиб қолса-да, лекин товуши ҳар доим ўзгариб туради.

Шуни айтиш керакки, улар гўшти шифобахш хусусиятга эга, деган фикр тўғри эмас. Шундай деб ўйлаш оқибатида ҳатто Чингизхон аскарлари ҳам бу қушларга қирон келтирган эдилар.

Бу парранда товуқсимонлар оиласига киради. Товуқсимонларнинг дунёда бор-йўғи 253 та тури бор. Мамлакатимизда товуқсимонлар оиласининг 20 тури учрайди. Тайга глухари, ҳатто Узоқ Шарқда ўта кам учрайдиган дикуша ҳам уларнинг қариндоши ҳисобланади.

Қирғовул ҳам кўп жиҳатдат уларларнинг қариндоши саналади.

Товуқсимонлар оиласига кирадиган барча қушлар (беданалардан ташқари) ўтроқ бўлиб ўзларига таниш бўлган ерларда қишлаб қолишади.

Ҳимолай турининг оғирлиги 3,5 килограммгача етади. Ҳатто қиш кунларида ҳам фақат кўк ўтлар билан овқатланишни афзал кўради. Шунинг учун қўёш нури қиздирган қияликларда кезиб юради. Гуллар ва уруғларни ейди.

Она улар 11 тагача, кўпинча 7—8 та тухум беради. Қояларда яшаб, уя ясайди. Бу парранда ҳатто қишда ҳам 2500 метр баландликдан пастга тушмайди. Қишнинг совуқ кунларини тоғларнинг жанубий томонларида ўтказади.

Ҳайвонлар орасида тоғ қоплони, Туркистон силовсини ва бургут уларларга ҳужум қилади. Аммо бу қуш ва ҳайвонлар ҳам ўта кам учрайдиган бўлиб қолганидан улар сонининг камайиб кетишига таҳдид солмайди.

Ҳар қандай қоиданинг ҳам истисноси бўлиши шубҳасиздир. Мен улар билан биринчи бор учрашганимда бунинг гувоҳи бўлганман. Бу булутлар устидаги чўққиларда эмас, балки тахминан 1800 метр баландликда, Чотқол дарёсининг ўрта оқимида рўй берди. Бир дўстим билан узоқ муддатли йўлдан кейин дарё ёқасида дам олиб ўтирардик. Биз секин гаплашиб, гулхан ёқиш учун қуруқ шох-шаббаларни йиғардик. Гулхан бир нафасда ўт олиб, кўкка ўрлади. Бутоқ қарсиллади, шу пайт биздан ўн метрча юқоридаги қоядан бир қуш учиб кетди. У қанотларини силкитмай учиб борар экан, нимаси биландир «АН» юк самолётини эслатди. Бу улар бўлиб, дарё узра бамайлиҳотир учиб ўтди-да, қоялар орасида кўринмай кетди.

Кимки глухарнинг шошилмай учишини кўрган бўлса, у уларнинг ҳам қандай учишини тасаввур қила олади. Бу паррандаларнинг бир-бирига қариндош бўлиши бежиз эмас.

В. ПЛЯСКИН.

Чотқол тоғ-ўрмон кўриқхонасининг катта илмий ходими.

ПРЕМЬЕРА

ЮМОРИСТИК ҲИКОЯ

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз! Айниқса, ўз ишига чунонам берилиб, шўнғиб кетган киши учун дунёда ундан муҳим нарса йўқдай туюлади. У ҳаммасини ўйлаб кўради, ҳар қандай тасодифларнинг олдини олди. Маора яқин эди. Энди у ўз меҳнатининг самарасидан баҳраманд бўлади. Ошдан чиққан тариқдек тош ҳам кишининг таъбини тиррик қилганидек арзимаган воқеа бутун режани чиппакка чиқаради... Яхшиси, ҳаммасини бошдан-оёқ айтиб қўяқолайлик.

Колхоз клубида тарихий мавзудаги пьеса қўйилиши керак эди. Бу спектаклни, бир сўз билан айтганда, бадиий ҳаваскорлик тўгараги раҳбари Косимжон Ҳошимжоновнинг коллектив учун тузган икки йиллик иш плани бўйича ижодий ҳисобот дейиш ҳам мумкин эди. Косимжон тўгаракни оёққа турғазиш учун кўлидан келган ҳамма ишни қилди: область музикали драма театридан ревнант ва кийим-бошлар ундирди. Бош ролларга ҳам, ҳатто эпизодлик ролларга ҳам кўнгилдагидек ҳаваскорлар танланди. Тўгарак аъзолари сон жиҳатидан кўп бўлмаса ҳам аҳил-иноқ коллектив эди.

Оммавий саҳналар репетициялари озмунча вақт олмади. Спектаклининг икки жойида оммавий саҳна, яъни ўрта аср даври давлатларидан бирининг подшоси томонидан элчи қабул қилиниши ва жанг саҳнаси бор эди. Биринчи саҳнада фақат имо-ишора билан ҳаракат қиладиган, аммо сўзламайдиган оммавий персонажлар ролини бажараётган қишлоқ ёшлари ва юқори синф ўқувчилари сарой аъёнлари кийимларида бўлишлари лозим эди холос.

Улар бир-бирлари билан пичирлаб гаплашардилар. Негаки, «Афанди айтсаларинг ҳам майли, пичирлаб гаплашсаларинг бас», — деганди режиссёр уларга.

Лекин шу аснода кутилмаганда ишнинг пачаваси чиқди: шоҳнинг саройида турли тантанали маросимларни бошқариб турадиган хизматчиси ролини ижро этиши лозим бўлган механизатор Эгамберди Худойбердиев ўзаро текшириш бригадаси составида қўшни областга жўнаб кетган эди. Шошилинч чора кўрилди. Бу роль яқинда ҳарбий хизматдан қайтиб келган колхоз шофери Эркин Сайфиевга топширилди. У кўллари паншахдай, кўзлари катта, норгулгина полвон йигит эди. Армияда тартиб-интизомга кўниккани учун бўлса керак, ролга дарҳол хўп деб розн бўла қолди. Аслида унинг роли айтарли даражада муҳим эмас эди. У белгиланган пайтда қабулхонага кириб келиб:

— Аъло ҳазратлари, элчи жаноблари илтифотингизга мунтазирлар, ташриф буюрсинларми?—дейиши керак эди, холос.

Ҳар эҳтимолга кўра режиссёр бу сўзларни бир варқа қоғозга ёзиб, Эркинга узатаркан: «Манавини ол, йўқотма, мабодо сўзингни унутиб қўйсанг, спектакль пайтида ҳам қоғозга қарашга рухсат этаман, кўрма!» — деб далда бериб ҳам қўйди.

Жанг саҳнаси мураккаброқ бўлиб, рақиб сарбозлар қилич билан жанг қилишлари лозим эди. Умр бўйи кетмон ушлаб, қишлоқ хўжалик машиналарининг штурвалларини тутиб одатланиб колган колхозчиларнинг қиличбозликка тушишлари осон бўлмади. Бунинг учун қанчадан-қанча репетиция қилишга тўғри келди.

Ниҳоят, премьера пайти етиб келди. Зал томошабинлар билан лиқ тўлди. Колхоз раиси, партия ташкилоти секретари ва район газетасининг редактори Ойниса опа Оллоёрова меҳмонлар ложасидан жой олишди. Пьесани саҳналаштирган режиссёр Косимжон Ҳошимжонов уларга қарама-қарши ложада ўтирди. «Ўтирди» дейиш унчалик тўғри эмас эди. Негаки, у безовталаниб ўрнидан туриб кетар, гоҳ залга қараса гоҳ саҳнага назар ташлар эди.

Ниҳоят, парда кўтарилиб, спектакль бошланди. Ҳаммаси кўнгилдагидек борарди. Ҳаваскор актёрлар ўз ролларини кўнгилдагидек бажардилар. Деярли уч ой тинимсиз давом этган репетициялар зое кетмади. Кийим-кечак, грим, ясама соқол ва кўркам саҳна безаклари ҳам ҳаваскор санъаткорларни илҳомлантираётгандай эди.

Ҳатто жанг саҳнаси ҳам кутилгандан яхши чиқди. «Сарбозлар» чинакам жанг санъатини намоён қилдилар — улар ҳайқиришиб, қичқиришиб «жанг қилганларида» қиличлар шарақ-шуруқидан атрофга учқунлар сачрарди.

Косимжон ҳийла енгил тортиб, терлаган пешона ва қўлларини рўмолчаси билан артди. Энди элчини қабул қилиш саҳнаси қолганди. Шундан сўнг мўътабар меҳмон шарафига зиёфат берилиб, зиёфатда бир-бирларига қуйиб қўйгандай ўхшаш эгизак опа-сингил Фотима ва Зуҳра Қипчоқовалар шарқча рақслар ижро этишлари керак эди.

Ҳуллас, ҳамма иш аввалдан мўлжалланган режа асосида бажариларди. Ногаҳонда ошга пашша тушди, яъни тасодиф рўй берди. Эгнига махсус кийим-бош кийган гримдаги Эркин Сайфиев сарой хизматчисининг ўзгинаси эди. Лекин шохона кимхоб тўн кийган, бошига катта салла ўраб, энгагига узун соқол ёпиштириб олган басавлат Эркин гўё ҳозирги дақиқаларда актёрлигини унутганга ўхшарди. Ясама соқолли энгаги ва юзини қичий бошлади. Бундан ташқари, соқол-мўйловлар ағзига кириб, тишини келтирарди. Бунинг устига, колхоз сартароши Абдували ака Эркиннинг қош-қовоқларига аёв сиз сурган қандайдир сассиқ бўёқдан ўзини ноҳуш ҳис этар, бир амаллаб аксирмасликка ҳаракат қилар эди.

Аслида Эркин сўнгги репетицияда ўз ролини бинойидай ижро этганидан режиссёрнинг кўнгли тўқ эди. Аммо ҳалиги подшоҳ хизматчиси ҳассасини тўқиллатиб саҳнанинг ўртасига амалтақал қилиб етиб борди-ю, тахтда шоҳ ўрнида колхознинг бош агрономини кўриб, айтадиган сўзи - ва ҳаракатларини паққос унутди-қўйди. Саҳнада ва залда эса сукунат ҳукмронлик қиларди.

Бош агроном Берди Турдиев ўзини агрономдан кўра кўпроқ профессионал артист деб тасаввур қилар, ҳозирги палладаги аҳволни ўнглаб-қўчи бўларди.

«Қани!» — деди шу заҳоти йигитни ноқулай вазиятдан қутқариш учун у.

Эркин бўлса миқ этмай турар ва бўялган қош-қовоқларини кериб, қошини сузиб, ўз вазифасини ҳоҳ у ёёгига, ҳоҳ бу ёёгига ташларкан, томдан тараша тушгандай:

— «Ўртоқ шоҳ! Бригадир Тошпўлатов сиз билан гаплашмоқчи» — деди ва ўзини янглишганини пайқаган бўлса-да, ғўзани культивация қилиш ва озиқлантириш мулдати ҳақида гапира кетди. Ишнинг миси чиққанини сезиб, ҳамма жим бўлди. Шу дамда агар пашша учса залнинг нариги томонидан ҳам эшитиларди. Режиссёр креслога талпиб, ўрнидан турдида, икки қўли билан калласини чангаллаб, уҳ тортди-ю, ўзини креслога ташлаб юборди.

«Шоҳ» — агроном бўлари бўлган бўлса-да, сир бой бермай ўзини тутиб олди. Қўли билан шоҳона ишора қилиб, кибр билан:

— Элчи кирсин! — деди.

Томошабинлар-у, саҳнадаги артистлару, ҳамма баралла кулиб юборди. Бундай гулдирос кулги залда биринчи бор кўтарилиш бўлса керак. Креслони тўлдириб ўтирган чойхоначи калласини орқасига қайтариб чайқалачайқала кулаверганидан дўпписи полга тушиб кетди. Унинг хотини — қаҳромон она, машҳур сут согувчи Маҳбуба опа қиқиллаб қотибқотиб кулар, оғзини енги билан ёпиб олар эди. Район газетасининг редактори Ойниса опа шарақлаб кулмаса ҳам кўз ёшини рўмолчаси билан артиб, босик ўтирарди. Ёнгинасида раис билан партия ташкилотининг секретари қаҳ-қаҳ урар эдилар. Орқаларида ўтирган ёш йигит-қизлар ўринларидан туриб чапак чалишар ва «Ўртоқ шоҳ, ўртоқ шоҳ!». — деб хандон ташлаб кулишар эди.

Баъзи бировлар «томоша тугади» деб ўйлаб эшик томон йўл олишарди.

Режиссёр эс-ҳушини йиғиб олди ва спектаклни давом эттиришга қарор қилгач, саҳнага чиқиб томошабинларга қарата бор овози билан:

— Ўртоқлар, тўхтанглар! Спектакль ҳали тугагани йўқ! — деди.

Гала-говурда унинг гапи ҳеч кимнинг қулогига кирмади. «Меш» лақабли семиз чойхоначи кўзголишга мажбур бўлмаганидан, бир қўли билан қорнини ушлаганича иккинчи қўлини силкитиб ўзини кулгидан тўхтата олмас ва «бас энди, оббо азаматлар-эй» дер эди нуқул.

Косимжон спектакль барбод бўлганини ва энди ҳеч нима қилиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилгач, «бўлари бўлди, буёғи синди» дедида, фойега чиқди. Унинг рўбарўсидан бирдан бадбахт «подшоҳ хизматчиси» — Эркин чиқиб қолса бўладими?!

Аламини кимдан олишни билмай турган режиссёр бирдан Эркинга ёпиша кетди:

— Нима қилиб қўйдинг сен. Мени пичоқсиз сўйдинг-ку!

Эркин бир қўли билан ғижимланган соқолини, иккинчи қўли билан юзини қашиб, аввалига ғинг этмай турди. Сўнг режиссёрнинг зардасига ортиқча бардош бера олмай тўнғиллай кетди:

— Мен сизга мана шу матоҳни ёпиштиринг деб илтимос қилибмидим?! — деди ўнг қўли билан соқолни кўрсатиб. — Бўлмагур нарсаларни чаплаш ҳам шарт эмас эди-ку! У шундай дедида, йўлига равона бўлди.

— Ҳафа бўлманг, Косимжон, — деди мулойим овоз билан Ойниса опа Косимжонга қараб. — Ранжиманг, — деди у яна ўзини ўзи таррорлаб. — Имоним комилки, спектаклингиз бошдан-оёқ мамнунлик билан томоша қиладиган пайт келади. Сиз ҳам, тўғарак аъзолари ҳам яхши тайёрлангансизлар. Кўнглингиз тўқ бўлсин, мен область театрига телефон қилиб кўяман. Костюмларни ишлатиб турaверинг. Ишларингизга муваффақият тилайман, — дедида, Косимжон билан хайрлашиб, кетди.

— Чиндан ҳам кулгили бўлди, қойилман-эй! — деди раис ва Косимжоннинг елкасига қўли билан қоқиб қўйди.

Косимжон клуб вестибюлида узоқ вақт ўйга чўмганча ёлгиз ўзи қолиб кетди. Чўнтагидан бир пачка эзилган сигарет чиқариб, қўлида анча вақт ушлаб турди-да, нафасини ростлаб, чекмасдан уни яна чўнтагига қайтариб солиб қўйди.

Шавкат ЖАҲОНГИРОВ.

Спорт

ФУТБОЛ
БИРИНЧИ ЛИГАДА

СССР чемпионатининг биринчи лигасида ниҳтироқ этаётган командалар ўртасида йигирманчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Бу матчлар натижасидан сўнг турнир пешқадами ўзгарди.

Вильнюснинг «Жальгирис» командаси футболчилари навбатдаги ғалабани қўлга киритишгач, очколар сонини 28 тага етказиб, карвонбошиликни қўлга киритишди. Вильнюсликлар Жиззахда маҳаллий «Звезда» командаси билан куч синашдилар. Қизиқарли ўтган бу ўйинда меҳмонлар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Шу турга қадар биринчи ўринда бораётган Кишинёвнинг «Нистру» коллективи эса муҳим қўш очкони бой бериб қўйди. Молдавиялик футболчилар Львовда СКА «Карпати» командасига қарши тўп суришди. Учрашувни ташаббускорликда ўтказган майдон эгалари меҳмонлар дарвозасига икки тўп йўллашди. Рақиблар эса бунга бир тўп билан жавоб бердилар.

Ворошиловградда маҳаллий «Заря» коллективи Воронежнинг «Факел» командасини қабул қилди. Томошабинлар 90 минут давомида дарвозаларга киритилган бешта тўпнинг шоҳиди бўлишди. Шундан учтаси майдон эгалари, иккитаси эса меҳмонлар ҳисобига ёзилди.

Душанбенинг «Помир» ва Риганинг «Даугава» командалари ўртасидаги учрашувда дарвозалар дахлсиз қолиб, рақиблар очколарни бўлиб олишди. Никополнинг «Колос» коллективи ўз майдонида Ростовнинг СКА клубини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Бошқа учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: «Металлург» (Запорожье)—«Гурия» (Ланчхути) — 2:1, «Таврия» (Симферополь) — «Шинник» (Ярославль) — 2:1, СКА (Одесса) —«Динамо» (Киров) — 2:0, СКА (Киев) — «Ротор» (Волгоград) — 1:1.

БОКС
СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Чехословакияда социалистик мамлакатлар спортчилари ўртасида ўтказилган ёшлар турнири ниҳоясига етди.

Мусобақа давомида саккиз мамлакатнинг юз нафарга яқин боксчиси ғолиблик учун кураш олиб борди. Шуниси эътиборга лойиқки, «Дўстлик» деб ном олган мазкур турнирда мамлакатимизнинг ёш «чарм қўлқоп» усталари муваффақиятли қатнашдилар. Натижада улар саккиз вазн бўйича ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори поғонасини банд этишди.

«Дўстлик» турнирида СССР терма командаси шарафини ҳимоя қилган республикамиз вакили фарғоналик Э. Маргиани ҳам ўзини кўрсатди. У 63,5 килограммгача бўлган боксчилар орасида биринчи ўринни эгаллади.

Якунланган «Дўстлик» турнири Германия Демократик Республикасида сентябрь ойида ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги Европа чемпионати олдидан ўзига хос муҳим кўрак ролини ўтади.

ЧИМ ХОККЕИ
ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҚИЗЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Москвадаги «Динамо» ва Ёш пионерлар стадионида чим хоккей бўйича III Бутуниттифоқ спорт ўйинлари программасидаги финал мусобақаси якунланди.

Ўзбекистон терма командаси қизлари барча учрашувларни яхши ўтказишди. Ҳал қилувчи финалда Тожикистон терма командаси билан куч синашган хоккейчиларимиз 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари чемпиони деган фахрли унвонга сазовор бўлдилар.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

ШАНБА

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Ереван шаҳар болалар бадиий коллективларининг концерти.
10.15 «Фёдор Трофимович ва бошқалар...». 3-кўрсатув. Кўрсатувда Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари Ф. Т. Моргун иштирок этади.
10.45 «Спортлото»нинг 30-тиражи.
10.55 «Жаҳон халқларининг мажди».
11.25 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб».
12.00 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. Тинч океан флотининг 50 йиллигига.
13.30 Болалар учун фильм. Қуруқликдаги довул».
14.50 «Дунё воқеалари».
15.05 «Ҳайвонот оламида».
16.05 «Эртага — Савдо ходимлари куни». Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Савдо министри А. И. Струев иштирок этади.
16.30 «Табрикларимизни қабул этинг».
17.15 «Золушка». Мультфильм.
17.35 Снёсий шарҳловчи В. П. Бекетов сухбати. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Тула область партия комитетининг биринчи секретари Ю. Х. Юнак иштирок этади.
18.20 «Монт ориоль». Телевизион спектакль премьераси.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Киев). «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
23.50 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.25 Савдо ходимлари кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси.
10.00 «Учинчи ўлчаш» Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. «Трап қирғоқда қолади».
11.15. «Тонгги почта» музикали программаси.
11.45 «Асли болаликдан». Р. Погодин. «Кешка ҳақида ҳикоялар».
12.30 «Нима! Қаерда! Қачон!» Телевизион викторина.
13.40 «Халқ оқанглари».
ЧЕЛЯБИНСК ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ
14.00 Челябинск шаҳри ҳақида киноалбом.
14.10 «Инсон заводга — завод инсонга». Киноочерк.
14.30 «Биз Уралда яшаймиз». Концерт программаси.

* * *

15.00 «Кувноқ стартлар».
15.45 «Биз ёқтирган қўшиқлар». Телевизион музикали фильм. РСФСР халқ артисти Л. Гурченко иштирок этади.
16.25 «Инсон — ерга хўжайин». Кўрсатувни «Известия» газетасининг шарҳловчиси А. З. Ивашченко олиб боради
17.30 «А В. Нежданова уйида»
18.45 «Халқаро обзор».
19.00 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография» 1946 йил.
20.00 «Музикали киоск».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Тузатилгани тўғри». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 «Ёвуз». Бадиий фильм.
11.45 Болалар учун. «Кувноқлар даврасида».
12.15 СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига «Денгизчилар мактаби». (рус.).
12.45 Ўзбекистон телевидениеси халқ чолғулари ансамбли ижросида ўзбек куйлари.
13.10 «Жанговар постда».
13.40 Савдо ходимлари кунига. «Табассум учун миллион», «Кичкинтой». Телефильмлар.
14.30 Шахмат мактаби.

* * *

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Фарзандим — жигарбандим». Й Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 Қозоғистон ССР халқ артисти Гулвира Рознева куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
22.30 «Экранда — кинокомедия». «Маҳаллада дув-дув гап».
23.50 Кўрсатувлар программаси.

«КИШЛОК ҲАКИКАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р. 06431

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси. Тошкент шаҳри, Индекс 64543. А. 1074. 12